

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

28-сон
(1152)
2024 йил
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

229. «Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги ПФ–100-сон Фармони
230. «Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги ПҚ–245-сон қарори
231. «Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги ПҚ–249-сон қарори

Бешинчи бўлим

232. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 8-iyuldagagi 13-mh-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlarida ta’limning kredit-modul tizimida o‘quvchilar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to‘g‘risidagi nizomiga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 8-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3351-1*)
233. O‘zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirining 2024-yil 15-maydag‘i 144-son “O‘zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 8-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3526*)
234. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2024-yil 27-iyundagi 221-son “Vazirliklar, idoralar va mahalliy davlat hokimiyati organlariga tegishli bo‘s sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini ularning roziligesiz ijara ga berish yoki sotish uchun savdoga chiqarish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 9-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3403-1*)
235. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 14-iyundagi 17/5-son “O‘zbekiston Respublikasi banklarida buxgalteriya hisobini yuritish va buxgalteriya ishlarini tashkil qilish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirish va qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 1834-11*)
236. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 10-iyuldagagi 14-mh-son “Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylar o‘quvchilarining bilimini nazorat qilish va baholash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3527*)
237. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 10-iyuldagagi 15-mh-son “Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylarda yakuniy davlat attestatsiyasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 10-iyulda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3528*)
238. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 10 июлдаги 16-мҳ-сон “Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан хulosha бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғи (*Ўзбекистон*

Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3529)

239. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 25 июнданги 186-сон “Йўл ҳаракати коидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 58-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-8)
240. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 131-сон “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3530)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқукий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

229 Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси мақсадларига эришишда Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун давлат молиявий назоратини янада кучайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчи вазирлик ва идораларда ички аудит тизимини такомиллаштириш, шунингдек, жамоатчилик иштироки ва назоратини кенгайтириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатасининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Ҳисоб палатаси томонидан:

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижросини ташки аудитдан ўтказиш ва натижаси бўйича тегишли хуносаларни тайёрлаш;

2025 йилдан бошлаб устав фондидаги (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган йирик ташкилотлар фаолиятини аудитдан ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

ижобий халқаро тажрибадан келиб чиқиб, стратегик ва ахборот технологиялари аудити турларини жорий этиш;

б) Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисботни Ҳисоб палатасига ташки аудит ўтказиш ва баҳолаш учун ҳисбот ўилидан кейинги йилнинг 5 мартаға қадар юбориш тартибини белгилаш.

2. Белгилансинки:

а) 2024 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларига эришиш дастурларининг ижроси ҳар ўили Ҳисоб палатаси томонидан баҳолашдан ўтказилади ҳамда натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳисбот киритилади.

Бунда, биринчи навбатда, қўйидаги асосий ўналишлар бўйича стратегик ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва натижадорлиги, самараדורлиги ҳамда миллий мақсад ва вазифаларга эришишдаги юзага келиши мумкин бўлган хавфлар баҳолаб борилади:

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурлари ижроси;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 12 июляда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ахолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ижроси;

Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси ижроси;

б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг ташқи аудити натижалари, шунингдек, келгуси йил учун бюджет лойиҳасини баҳолаш бўйича Ҳисоб палатасининг хуносалари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида Ҳисоб палатасининг масъул вакиллари иштирокида муҳокама қилинади;

в) 2025 йилдан бошлаб:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан ҳудудларга тақсимланган маблағлар бўйича маълумотларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларига тақдим этади. Бунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларга Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратилаётган маблағлар бўйича сўрови ва назорати йўлга қўйилади;

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджет дастурларини (мақсадли индикаторларни) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган молиявий ва бошқа хавфлар рўйхатини, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ҳамда натижалари бўйича чораклик ахборотни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиб боради;

г) ҳар чоракда Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари якунлари бўйича тақдим этилган ахборотлар Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида муҳокама қилиб борилади.

3. Ички назорат тизимлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг самародорлигини янада ошириш мақсадида:

а) 2025 йил 1 январдан бошлаб молиявий ва бошқа хавфларнинг олдинги олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган йирик ташкилотларда уларнинг биринчи раҳбарлари бошчилигида коллегиал асосда «Хавфларни бошқариш» қўмиталари тузилсин. Бунда, ушбу ташкилотларнинг ички аудит хизматлари қўмиталарнинг ишчи органи ҳам ҳисобланади.

Куйидагилар «Хавфларни бошқариш» қўмиталарининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички аудит хизматлари томонидан тизим фаолияти ва мақсадли кўрсаткичларга (индикаторларга) эришиш билан боғлиқ молиявий, операцион ҳамда ички назоратга оид аниқланган хавфларнинг рўйхати шакллантирилиши ва янгилаб борилишини таъминлаш;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда аниқланган хавфларни бартараф этиш;

хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ички аудит хизматлари фаолиятини самарали ташкил этиш;

ҳар чорак якуни бўйича хавфларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ҳамда олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш юзасидан ички аудит хизматлари томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича муҳокама қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хавфларнинг юзага келишига имкон берувчи зиддиятларни бартараф этиш, тегишли нормаларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

хавфларнинг олдини олишни назарда тутадиган истиқболли йўналишларни белгилаш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмасида худудий солиқ органлари ходимлари сонини макбуллаштириш ҳисобидан камида 1-2 нафар ходимдан иборат ички аудит хизматлари ташкил этилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ҳисоб палатаси назорат тадбирини амалга ошириш жараёнида назорат объектиning ички аудит хизмати томонидан ўтказилган ички аудит тадбирлари сифатига ҳам баҳо бериб боради;

Ҳисоб палатаси ўзининг назорат тадбирлари сифатини баҳолаш тизими ни йўлга қўяди;

Ҳисоб палатасига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини жорий этишга, шунингдек, унинг самарали фаолият кўрсатишига доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш ваколати берилади;

ички аудит хизматлари вазирлик ва идоралар тизимидағи бюджет хисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассасаси ҳамда ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатларни мониторинг қилиб боради;

бюджет тизими бюджетларида такрорий ва асоссиз молиявий назорат тадбирлари ўтказилишининг олдини олиш мақсадида давлат молиявий назорати органлари ҳамда ички аудит хизматларининг йиллик иш режаларига киритиладиган молиявий назорат ва ички аудит тадбирлари мажбурий тартибда Ҳисоб палатаси билан келишилади;

молиявий назорат ва ички аудит тадбирлари назорат ишларининг йиллик дастурлари (режалари) ва Ҳисоб палатаси томонидан тақдим этилган риск-таҳлиллар асосида ўтказилади. Бунда риск-таҳлиллар асосида бир ой муддатда назорат ишларини ўтказиш тўғрисида тегишли чоралар ишлаб чиқилмаганда ёки ўрганиш натижалари «Масофавий аудит» ахборот тизими орқали Ҳисоб палатасига тақдим этилмаган ёхуд ўрганиш сабабсиз рад этилган ҳолларда, Ҳисоб палатасининг таклифига биноан давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматлари масъул шахсларига нисбатан интизомий таъсир чоралари қўлланилади;

давлат молиявий назорати органлари ҳамда ички аудит хизматлари ташкил этилган вазирлик ва идораларга, истисно тариқасида, Марказий банк

ва тижорат банкларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари ни олувчиларнинг бюджет ва давлат қарзи маблағларининг ҳаракатига доир маълумотларни марказлашган тартибда сўраб олиш ваколати берилади.

5. Давлат молиявий назорати фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

а) Ҳисоб палатаси ходимларининг белгиланган умумий штат бирликлари доирасида:

Масофавий назоратни амалга ошириш ва хавфларни баҳолаш ахборот-таҳлил шўйбаси негизида «Big Data» технологиялари асосида катта ҳажмдаги маълумотларнинг хавф (риск) таҳлилини амалга оширувчи Давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматларининг идоралараро масофавий назорат маркази (кейинги ўринларда — Масофавий назорат маркази) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

Мудофаа мажмуи ва хуқук-тартибот органлари харажатларини аудит қилиш шўйбаси, Халқаро стандартлар асосида давлат аудитини ташкил этиш шўйбаси ҳамда Тадқиқот, эксперт-таҳлил ва ўқув маркази (кейинги ўринларда — Тадқиқот маркази) ташкил этилсан.

Кўйидагилар:

мудофаа тизими, шу жумладан мудофаа саноати харажатлари, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, божхона хизмати ва ички тартибни сақлаш билан боғлиқ харажатларни аудитдан ўтказиш Мудофаа мажмуи ва хуқук-тартибот органлари харажатларини аудит қилиш шўйбасининг;

илғор хорижий тажриба ҳамда методологиялар асосида давлат ташки аудитини ташкил этиш, шу жумладан устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган йирик ташкилотлар фаолиятини аудитдан ўтказиш амалиётини жорий этиш Халқаро стандартлар асосида давлат аудитини ташкил этиш шўйбасининг;

назорат ва таҳлилий тадбирларда аниқланган муаммолар ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш юзасидан таҳлилий ахборотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш Тадқиқот марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин;

б) Ҳисоб палатаси раисига давлат молиявий назорати, давлат молиясини бошқариш, халқаро аудит ҳамда тегишли бошқа соҳаларда етук маҳаллий ва хорижий мутахассисларни, шунингдек, ташкилотларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шартнома асосида жалб этиш ҳуқуки берилсан.

Ҳисоб палатасининг ушбу фаолияти Ҳисоб палатасига ажратиладиган бюджет маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилсан;

в) Ҳисоб палатасининг шўйба мудирлари, бош инспекторлари, етакчи инспекторлари ва инспекторлари лавозимларига ишга қабул қилишда бухгалтер ҳамда (ёки) аудиторлик ёхуд ҳуқуқ бўйича миллий ва (ёки) халқаро малака сертификатларига эга бўлган шахсларга устуворлик берилсан.

Ҳисоб палатаси ходимларнинг малакасини узлуксиз ошириш учун ҳар йили камида бир маротаба ўқув курсларини ташкил этишни, бунда хорижий

мутахассисларни жалб қилган ҳолда ёки хорижда малака оширишни йўлга қўйсин.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Ҳайъати таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Давлат бюджетининг ижроси устидан молиявий назоратни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига маълумотлар базасидан ва ахборот тизимларидан реал вақт режимида фойдаланиш рухсат этиладиган, шу жумладан Ҳисоб палатасининг электрон сўровига мувофиқ маълумотлар тақдим этадиган вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва ташкилотларнинг рўйхати 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан «Масофавий аудит» ахборот тизими орқали тақдим этилган хавф (риск) таҳлилларини бошқариш схемаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилаб қўйилсинки:

Ҳисоб палатасининг Ҳайъатида палата ишини самарали ташкил этиш, унинг ташки аудит ва молиявий назорат фаолиятини норматив-услубий таъминлаш ҳамда такомиллаштириш каби масалалар мухокама қилинади;

вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари мазкур Фармонга 2-иловага мувофиқ чора-тадбирлар дастуридаги вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан масъул ҳамда жавобгар ҳисобланади.

7. Жорий назоратни кучайтириш ва молиявий интизом бузилишининг олдини олиш бўйича превентив чораларни жорий этиш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси ва унинг худудий тузилмаларига:

давлат харидлари соҳасида қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганда, тўловларни вақтинча тўхтатиш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, қонунчилик хужжатларида белгиланган кечикириб бўлмайдиган харажатлар бундан мустасно), шартномани рўйхатдан ўтказмасдан қайтариш, уни бекор қилиш ва қонун бузилиши ҳолатлари мавжудлиги тўғрисида давлат буюртмачисига ҳамда давлат молиявий назорати органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабарнома юбориш;

молиявий операцияларнинг барча жараёнларида шубҳали ҳолатлар бўйича Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментини уч иш кунида хабардор қилиш;

рўйхатдан ўтказилган шартномалар бўйича муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳисобини юритиш ҳамда ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ҳисоб палатаси ҳамда Бош прокуратура хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига тегишли маълумот тақдим этиб бориш вазифалари юклансин.

8. Ҳисоб палатаси:

вазирлик, идора, банк ва ташкилотлар билан биргаликда уларнинг маъ-

* 1-2, 4-иоловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лумотлар базаларини ўзаро солиштириш ёки таҳлил қилиш асосида бюджет маблағлари назорати ҳамда бюджететга қўшимча захираларни аниқлаш юзасидан хавф (risk) таҳлили механизмларини кенгайтирсинг;

аудит натижалари юзасидан назорат объектларига ёки тегишли ташкилотларга ички назорат ҳамда молиявий операцияларни амалга ошириш бўйича иш шакли ва усувларини такомиллаштириш бўйича таклифлар юбориш чораларини кўриб борсин;

молиявий интизом бузилишининг олдини олиш мақсадида аудит тадбирларида вазирлик ва идораларнинг ички назорат тизимини баҳолаш ва уни такомиллаштириш юзасидан кўрсатмаларни бериб борсин;

хорижий давлатларнинг олий назорат органлари билан биргаликда таҳлилий фаолият юритиш, халқаро аудиторлик ташкилотлари ишида ёки халқаро ташкилотларда ўtkaziladigan аудит тадбирларида иштирок этиш бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритисин.

11. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ҳисоб палатаси раиси А.М. Бобоев ҳамда Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 июль,
ПФ-100-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 10 июлдаги
ПФ-100-сон Фармонига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига маълумотлар
базасидан ва ахборот тизимларидан реал вақт режимида
фойдаланиш рухсат этиладиган ҳамда Ҳисоб палатасининг
электрон сўровига мувофиқ маълумотлар тақдим
этадиган вазирликлар, идоралар, тижорат
банклари ва ташкилотларнинг
РЎЙХАТИ**

**I. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига маълумотлар
базасидан ва ахборот тизимларидан реал вақт режимида
фойдаланиш рухсат этиладиганлар:**

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
3. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
4. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
5. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
8. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
9. Спорт вазирлиги
10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг хузуридаги қўмита, агентлик ва инспекциялар
11. Сув хўжалиги вазирлиги
12. Рақамли технологиялар вазирлиги
13. Адлия вазирлиги
14. Транспорт вазирлиги
15. Маданият вазирлиги
16. Мудофаа вазирлиги
17. Энергетика вазирлиги
18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
19. Ташқи ишлар вазирлиги
20. Ички ишлар вазирлиги
21. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
22. Солик қўмитаси
23. Божхона қўмитаси
24. Фазначилик хизмати қўмитаси
25. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси
26. Дин ишлари бўйича қўмита

27. Статистика агентлиги
28. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
29. Давлат активларини бошқариш агентлиги
30. Кадастр агентлиги
31. Ёшлар ишлари агентлиги
32. Миллый антидопинг агентлиги
33. Маданий мерос агентлиги
34. Персоналлаштириш агентлиги
35. Интеллектуал мулк агентлиги
36. Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти
37. Мажбурий ижро бюроси
38. Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг электрон сўровига мувофиқ маълумотлар базаси билан ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўядиганлар:

39. Марказий банк (оффлайн шаклда маълумот тақдим этилади)
40. Барча тижорат банклари (оффлайн шаклда маълумот тақдим этилади)
41. «Навоий КМК» АЖ
42. «Олмалиқ КМК» АЖ
43. «Ўзбекнефтгаз» АЖ
44. «Ўзтрансгаз» АЖ
45. «Худудгазтаъминот» АЖ
46. «UzGasTrade» АЖ
47. «Муборакнефтгазмонтаж» АЖ
48. «Бухоро НҚИЗ» МЧЖ
49. «Худудий электр тармоқлари» АЖ
50. «Рақамли трансформация маркази» МЧЖ
51. «Ўзбекистон миллый электр тармоқлари» АЖ
52. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ
53. «Ангрен ИЭС» АЖ
54. «Янги Ангрен ИЭС» АЖ
55. «Навоийуран» ДК
56. «Навоий КМК»жамғармаси» ДМ
57. «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ
58. «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ
59. «Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси» АЖ
60. «Тошкент» республика фонд биржаси» АЖ
61. «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этишиб маркази» АЖ
62. «Қимматли қофозлар марказий депозитарийси» ДУК
63. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
64. «Uzbekistan airways» АЖ
65. «Uzbekistan airports» АЖ
66. «Ўзавтосаноат» АЖ
67. «Ўзкимёсаноат» АЖ

68. «Навоийазот» АЖ
 69. «Фарфонаазот» АЖ
 70. «Ўздонмаҳсулот» АК
 71. «Ўзбектелеком» АК
 72. «Ўзметкомбинат» АЖ
 73. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ
 74. «Ўзагросервис» АЖ
 75. «Ўзагролизинг» АЖ
 76. «Ўзагросуғурта» АЖ
 77. «Ўзбекинвест» ЭИСК» АЖ
 78. «Ўзсувтаъминот» АЖ
 79. «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ
 80. «Андижон биокимё заводи» АЖ
 81. «Биокимё» АЖ
 82. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибиға кирадиган давлат мақсадли жамғармалари
 83. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
 84. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари

Изоҳлар:

Мазкур рўйхатдаги вазирлик, идора ва ташкилотларда янги маълумотлар базаси ёки дастурий таъминот ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилганда, Ҳисоб палатаси сўровига кўра янги маълумотлар базаси ва дастурий таъминотлар Ҳисоб палатасига тақдим этилади ҳамда интеграция қилинади;

Вазирлик, идора ва ташкилотларниг реал вақт режимида маълумотлар базасидан фойдаланишига рухсат дастурий комплекс функцияларига ва маълумотлар базаси таркибига аралашиб ҳуқуқисиз берилади;

Ҳисоб палатасининг сўровига кўра ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлар ва вазифалар доирасида вазирлик, идора ва ташкилотлар билан маълумотлар алмасиши амалга оширилади;

2024 йил якунига қадар маълумотлар базаларини Масофавий назорат марказининг маълумотлар базаси билан тўлиқ интеграция қилиши ҳамда тақдим этилаётган маълумотларниг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича шахсий масъулият мазкур рўйхатдаги вазирлик, идора ва ташкилотларниг биринчи раҳбарлари з иммасига юкланади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ҳисоб палатасига давлат харидларининг электрон тизими операторларининг маълумотлар базасидан реал вақт режимида фойдаланиши имконияти яратилишини таъминлайди.

Мазкур рўйхатга Ҳисоб палатасининг таклифиға мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 10 июлдаги
ПФ-100-сон Фармонига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим хужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги «Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6300-сон Фармонида:

а) 1-банд қўйидаги тахирда баён этилсин:

«1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турларига қўшимча қўйидагилар амалиётга жорий этилади:

а) бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда даромадларнинг тўлиқлигини, шунингдек, молиявий операцияларнинг қонунийлигини баҳолашни назарда тутувчи молиявий аудит;

консолидациялашган ва жалб қилинган бюджет маблағларидан фойдаланишда, давлат харидларини амалга оширишда, шунингдек, даромадларнинг тўлиқлигини таъминлаш ва бизнес жараёнларида норматив-хуқуқий хужжатлар талабларига риоя қилинганлигини ва уларнинг давлат дастурларига мувофиқлигини текшириш ва баҳолашни назарда тутувчи мувофиқлик аудити;

назорат обьектида харажатлар, субсидиялар, имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини, ажратилган маблағлардан фойдаланишнинг тежамкорлигини, белгиланган мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини, консолидациялашган бюджет ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги ва натижадорлигини, шунингдек, давлат ва худудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигини баҳолаш ва таҳлил қилишни назарда тутувчи самарадорлик аудити;

б) 2025-2026 йилларда:

мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш борасидаги миллий мақсад ва стратегик вазифаларини амалга оширишга доир дастурлар ва лойиҳаларнинг натижадорлигини баҳолаш, тизимли хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг таъсирини камайтиришга қаратилган стратегик аудит;

вазирлик ва идоралар фаолиятини рақамлаштириш ва ахборот технологияларидан фойдаланишни, шу жумладан, рақамлаштириш сиёсати, жараёнлари ва бошқаруви, ахборот тизими ва унинг хавфсизлиги, маълумотлар ишончлилиги, ахборот тизимининг ташкилотлар фаолияти эҳтиёжларига жавоб бериши ва рақамлаштириш харажатларининг самарадорлигини баҳолашга қаратилган ахборот технологиялари аудити»;

- б) 4-банднинг «б» кичик бандидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- в) 5-банднинг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- г) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- д) 9-банддаги «Ҳисоб палатаси Ҳайъати (кейинги ўринларда — Ҳайъат)» сўзлари «Давлат молиявий назорати органлари ва ички аудит хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;
- е) 10-банддаги «Ҳайъат» сўзи «Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин;
- ж) 11-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ҳайъатга» сўзи «Мувофиқлаштирувчи кенгашга» сўзлари билан алмаштирилсин;
- з) 12-банднинг учинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- и) 15-бандда:
биринчи хатбошидаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари «Рақамли технологиялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- тўртинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- к) 18-банддаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;
- л) З-илова* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги «Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қискартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-8-сон Фармони 2-иловасининг 21-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартағи «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-2142-сон қарорида:

а) 1-илованинг 18-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси ва унинг ўринbosарлари»;

б) 3-илованинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфсизлик кенгashi аппарати» бўлими қўйидаги мазмундаги 1¹-банд билан тўлдирилсин:

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«1¹. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг бошқарув, техник ва ёрдамчи ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишувдан сўнг».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-128-сон қарорида:

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўzlари «Бош прокуратура ҳуzuридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти (кейинги ўринларда — Департамент)» сўzlари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўzlари «Департамент» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўzlари «Департамент Рақамли технологиялар вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлигининг» сўzlари «Департаментнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 10-банднинг тўртинчи хатбошидаги «(Б. Турабов)» сўzlари «(А. Бобоев)» сўzlари билан, «Молия вазирлигининг (Т. Ишметов)» сўzlари «Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг (Ж. Қўчқоров)» сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 11-банднинг биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» сўzlари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

д) 12-банддаги «Молия вазирлиги» сўzlари «Департамент» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 13-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин:

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

ж) 16-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисоб палатаси ва Департамент томонидан тадбиркорлик субъектларида бюджет тизими бюджетларининг маблағлари, давлат қарзи маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан ўtkазиладиган молиявий назорат тадбирларига нисбатан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўtkазишга оид тартиб-таомиллар татбиқ этилмайди. Бунда молиявий назорат тадбирларини ўtkазишга масъул ходимлар тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган Текширувларни рўйхатга олиш китобини қонунчиликда белгиланган тартибда тўлдириши шарт (давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно)».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг дастурий комплексини жорий этиш чора-тадбирла-ри тўғрисида»ги 362-сон қарорига 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Курилиш соҳасида пудрат ташкилотларини белгилаш бўйича электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-банди ўн учинчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий низомда:

а) 6-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички аудит тадбирлари вазирлик ва идора раҳбари томонидан тасдиқланган ички аудит йиллик режаси ва Ҳисоб палатаси тақдим этган риск-таҳлилларига асосан мажбурий тартибда ўтказилади. Бунда ички аудит йиллик режасига киритиладиган ички аудит тадбирлари мажбурий тартибда Ҳисоб палатаси билан келишилади»;

б) 15-бандда:

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«истисно тариқасида, Марказий банк ва тижорат банкларидан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет ва давлат қарзи маблағларининг ҳаракатига доир маълумотларини марказлашган тартибда сўраб олиш»;

учинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб хисоблансан;

в) 16-бандда:

ўн тўртинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги» сўzlари «Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги» сўzlари «Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

йигирма учинчи хатбошидаги «Молия вазирлигига» сўzlари «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 18-банддаги «Молия вазирлигига» сўzlари «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» сўzlари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**230 Худудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш
ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чо-
ра-тадбирлари тўғрисида***

Худудларни иқтисодий ривожлантириш ва урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, жумладан туманлар ва шаҳарларнинг драйвер йўналишларини амалга ошириш учун мастер-режаларни ишлаб чиқиш амалиётини кенг жорий қилиш, бўш ер участкаларида юқори даромад келтирадиган фаолият турларини ташкил қилиш, шунингдек, инфратузилма лойиҳаларининг мастер-режаларга мувофиқ амалга оширилишини ташкил қилиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳо-
кимликлари томонидан тижорат банклари кўмагида мазкур қарорга 1-илова-
га** мувофиқ туманлар ва шаҳарларда замонавий хизмат кўрсатиш мажмуу-
лари ва сервис объектларини, жумладан жойлаштириш воситалари, туар
жойлар, савдо-кўнгилочар марказларини жойлаштиришни назарда тутувчи
мастер-режалари тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳо-
кимликлари:

2024 йил 1 августга қадар мастер-режаларни худудий архитектура ва
шаҳарсозлик кенгашлари билан келишган ҳолда тасдиқлашни таъминласин;

2024 йил 1 августдан бошлаб жорий йил якунига қадар Қурилиш ва
үй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Кадастр агентлиги билан бир-
галикда мастер-режаларга мувофиқ замонавий хизмат кўрсатиш мажмуулари
ва сервис объектларини, жумладан жойлаштириш воситалари, туар жойлар,
савдо-кўнгилочар марказларини ташкил қилиш учун мастер-режа худудидаги
ер участкаларини аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўрсин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда, зарур ҳолларда, мас-
тер-режа худудларида ер участкаларининг тоифасини ўзгартириш бўйича
таклифларни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг
ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳуку-
мат комиссиясига киритиб борсин.

2. Қўйидагилар:

Урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, шаҳарлар ва туманлар мар-
казларини ривожлантириш ҳамда агломерация худудларини ташкил этиш-
га қаратилган мастер-режалар ишлаб чиқиладиган туманлар ва шаҳарлар
рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

Аҳоли ва сайёхлар учун барча қулайликларга эга туризм масканларини
ташкил этишга қаратилган мастер-режалар ишлаб чиқиладиган туманлар ва
шаҳарлар рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) билан ҳамкорликда ком-

* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 9 июлда эълон қилинган.

** 1 — 3 иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

плекс иқтисодий ривожлантиришга қаратылган мастер-режалар ишлаб чиқиладиган туманлар рүйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Маълумот учун қабул қилинсеки, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 майдаги «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш жараёнларини ва хусусийлаштириш дастури ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 268-сон қарори билан 68 та туман ва шаҳарларда халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари бўйлаб замонавий инфратузилмани барпо этиш, савдо ва сервис объектларини жойлаштириш учун мастер-режа асосида аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкалари режаси тасдиқланган.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиков) жорий йил якуннига қадар мазкур қарор талабларини инобатга олган ҳолда халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари бўйлаб замонавий инфратузилмани барпо этиш, савдо ва сервис объектларини жойлаштириш учун мастер-режалар ишлаб чиқилиши ва ер участкалари аукцион савдоларига чиқарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Туманлар ва шаҳарлар бўйича ишлаб чиқиладиган мастер-режаларнинг асосий ўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

шаҳарларда ва туман марказларида урбанизация жараёнларини жадалаштириш, жумладан аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб кўп қаватли ва якка тартибдаги уй-жойлар мажмуналарини ташкил қилиш;

аҳоли гавжум бўлган шахар худудларидан оқиб ўтувчи сув бўйларини ободонлаштириш, пиёдалар ва велосипед йўлакларини қуриш, улар атрофида енгил конструкцияли кўчма савдо ва сервис шохобчаларини ташкил этиш;

худудларда аҳоли, туристлар ва тадбиркорлик субъектлари учун қулаӣ шароитлар яратиш, жумладан «яшил» худудларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини, дам олиш ва кўнгилоchar марказлар, савдо мажмуналарини ташкил қилиш ва юқори даромадли иш ўринларини яратиш;

бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш, жумладан худуднинг драйвер ўналишларини ҳисобга олган ҳолда ер участкаларida иқтисодий самараси юқори фаолият турларини ривожлантириш, шунингдек, бўш ерларни тайёр лотларга ажратган ҳолда тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш;

худуднинг инфратузилмага бўлган эҳтиёжини баҳолаш, жумладан бўш ер участкаларидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари учун зарур ташки мухандислик-коммуникация инфратузилма объектлари параметрлари ни аниқлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг таклифлари асосида мастер-режаларни ишлаб чиқиши, жумладан инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини танлаб олиш ва шакллантириш.

4. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Макроиктисодий ва худудий тадқиқотлар институти (У. Абидхаджаев) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров) билан биргалиқда бир ой муддатда мастер-режаларга қўйиладиган минимал талабларни инобатга олган ҳолда ўртacha нарх кўрсаткичларини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК мастер-режаларни ишлаб чиқиш бўйича ўртacha нарх кўрсаткичларини ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказсин.

5. Мазкур қарорга 2-иловадаги туманлар ва шаҳарларда мастер-режаларни ишлаб чиқиш мақсадида:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоқимликлари «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари буюртмачилигида:

бир ҳафта муддатда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Солик қўмитаси ҳамда Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда ушбу қарорнинг 3-бандида келтирилган асосий ўйналишлардан келиб чиқиб, кейинчалик «K-SAVDO» ва «E-AUKSION» тизимларида тадбиркорлик ва шаҳарсозлик мақсадларида реализация қилиш учун майдонининг камидаги 60 фоизи бўш ер участкаларидан иборат бўлган (реновация ҳудудлари бундан мустасно) ҳудудларни танлаб, уларнинг рўйхатини тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда мастер-режаларни ишлаб чиқишига қўйиладиган минимал талаблар асосида техник топшириқларни (кейинги ўринларда — техник топшириқ) ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқласин;

бер ой муддатда техник топшириқ, ташкилот ва компанияларга қўйиладиган минимал талаблар асосида белгиланган тартибда мастер-режаларни ишлаб чиқиш учун ташкилотларни (кейинги ўринларда — ишлаб чиқувчилар) танлаб, шартномалар тузсин;

2024 йил 1 ноябрга қадар мастер-режаларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқлашни таъминласин.

Бунда:

Давлат активларини бошқариш агентлиги мастер-режа ҳудудидаги бўш ер участкаларини мастер-режалар тасдиқлангунга қадар аукцион савдоларига чиқармаслик чораларини кўрсин;

мазкур қарорга 2-иловадаги туманлар ва шаҳарлар бўйича ишлаб чиқиладиган мастер-режаларни молиялаштириш манбаи этиб Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ва Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет ссудаси белгилансин;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда мастер-режаларни ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқ ва ишлаб чиқувчиларга қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоқимликларига тақдим қилсан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳоқимликлари талабномалари асосида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республика

ликасининг республика бюджетидан 30 млрд сўмгача бюджет ссудасини ажратсин.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бюджет ссудаларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини аукцион савдоларида реализация қилишдан тушган тушумларнинг тегишли маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган қисми ва бошқа манбалар хисобидан белгиланган муддатларда қайтариши таъминласин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари мастер-режаларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши учун масъул этиб белгилансин.

6. Туризм қўмитаси Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда икки хафта муддатда мазкур қарорга З-иловага мувофиқ туманлар ва шаҳарларда туризм салоҳияти юқори худудларни белгиласин, икки ой муддатда уларда туризм масканларини ташкил этиш бўйича мастер-режаларни ишлаб чиқиш мақсадида ишлаб чикувчилар билан белгиланган тартибда шартнома тузиб, 2024 йил 1 ноябрга қадар мастер-режаларни ишлаб чиқиши яқунлаш чораларини кўрсинг.

Бунда:

мастер-режаларни ишлаб чиқиш бўйича Туризм қўмитаси буюртмачи этиб белгиланади;

харажатларни молиялаштириш Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан амалга оширилади.

7. Германия халқаро ҳамкорлик жамиятидан (кейинги ўринларда — GIZ) жалб этилган грантлар доирасида 10 та туманда мастер-режаларни ишлаб чиқишига GIZ томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий ва худудий тадқиқотлар институти жалб этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Институт 2024 йил 1 декабрга қадар мазкур қарорга 4-иловадаги 5 та ва 2025 йил 1 августга қадар қолган 5 та туманлар бўйича мастер-режаларни ишлаб чиқиши таъминласин.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари, Кадастр агентлиги Институтнинг сўрови асосида бир ой муддатда тегишли маълумотларни тақдим этсин ҳамда худудларда аҳоли ва тадбиркорлар орасида сўровномалар ташкил этишига кўмаклашиб борсинг.

8. Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда бир хафта муддатда 2024 йилда мастер-режаларни ишлаб чиқиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режа-графикларини тасдиқласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Кадастр агентлиги мастер-режалар ху-

дудларидағи бўш ер участкаларини мастер-режаларда белгиланган объектларни ташкил этиш шарти билан аукцион савдоларига чиқариш чораларини кўриб борсин.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Туризм қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларни билан биргаликда мастер-режаларни амалга ошириш, жумладан мастер-режа асосида аукцион савдоларига чиқариладиган бўш ер участкаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига ташаббускорларни жалб қилиш чораларини кўрсинг.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг ташкилий тузилмасида ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бўйсунувида худудларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда мастер-режалар сони ва кўламидан келиб чиқиб, 3 — 5 тагача штат бирлигидан иборат мастер-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Лойиҳа офислари (кейинги ўринларда — Лойиҳа офислари) ташкил қилинсин.

Лойиҳа офислари Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда вилоятлар иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари ташкилий тузилмасидан 13 та ҳамда Фазначилик хизмати қўмитаси худудий бўлимларидан 37 та мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилсин ва уларнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

туман ва шаҳарлар ҳокимларни билан ҳамкорликда туман ва шаҳарларда мастер-режа худудларини аниқлаш, тегишли ташкилотлар билан биргаликда ушбу худудлар чегараларини белгилаш ва унинг тасдиқланишини таъминлаш;

мастер-режаларни ишлаб чиқиша буюртмачилар билан яқиндан ишлаб, уларга техник топшириқларни тайёрлаш, мастер-режаларни ишлаб чиқишига жалб этиладиган ташкилотларни аниқлашга кўмаклашиш;

мастер-режаларга мувофиқ ер участкаларини аукцион савдоларига чиқаришни ва ташаббускорларни жалб қилишни ташкил қилиш;

мастер-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини доимий мониторинг қилиб бориш, амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда тегишли худудий комиссияга киритиб бориш.

Бунда Лойиҳа офислари раҳбари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг котибияти мудирига тенглаштирилиши ҳамда Лойиҳа офислари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, улар томонидан амалга ошириладиган ишларни ҳар ойда мониторинг ва мухокама қилиш ишларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоятлар ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

11. Мастер-режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича қўйидаги вертикал тизим ташкил қилинсин:

а) республика даражасида:

таркиби мазкур қарорга 5-иловага* мувофиқ тасдиқланадиган республика комиссияси (Ж. Қўчқоров) мастер-режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишни муҳокама этиб, муаммоли масалаларни бартараф қилиш чораларини кўриб боради, масъуллар фаолиятини танқидий кўриб чиқади;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мастер-режалар бўйича худудларга услубий ва молиявий масалаларга ечим топища кўмак беради, тегишли худудий комиссиялар, вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида жойига чикқан ҳолда амалга оширилган ишларнинг натижадорлигиги ўрганади ва уларни жадаллаштириш бўйича кўмаклашади ҳамда бу борада республика комиссиясига таҳлилий маълумотлар ва таклифларни киритиб боради;

Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги мастер-режаларнинг шаҳарсозлик ва архитектуравий ечимларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишига масъул бўлади, мастер-режалар асосида курилиш ишларининг қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини таъминлайди, ушбу йўналишларда худудларга кўмаклашиб боради;

Туризм кўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги Лойиҳа оғислари билан биргаликда тегишли йўналишлар бўйича мастер-режаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича ишларни ҳар ойда муҳокама қилиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига таклифлар киритиб боради;

б) худудий даражада Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ҳокимлари раҳбарлигига ташкил этиладиган худудий комиссиялар буюртмачилар ва Лойиҳа оғислари билан биргаликда мастер-режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ ишларни ҳар ойда муҳокама қиласи, аниқланган муаммоларни ваколат доирасида бартараф этиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига маълумот киритиб боради;

в) туман (шахар) даражасида туман (шахар) ҳокимлари мастер-режаларни ишлаб чиқишга жалб этиладиган ташкилотлар билан доимий ишлайди, тегишли маълумотларни тақдим қилиб боради ҳамда ер участкаларини мастер-режага мувофиқ аукцион савдоларига чиқаради.

Бунда республика комиссиясининг ишчи органи Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, худудий комиссияларнинг ишчи органи эса Лойиҳа оғислари этиб белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларни бир ҳафта муддатда мастер-режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга оширишни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича худудий комиссиялар таркибини тасдиқласин.

12. Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 октябрга қадар маҳаллий ва хорижий лойиҳа институтлари ва эксперталарини жалб қилган ҳолда мазкур қарорнинг 6-иловасига* мувофиқ дастлабки босқичда илдам ривожлантириш

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

учун танлаб олинган шаҳар ва туманлар марказларининг бош режаларини замонавий ёндашувлар асосида янгилашни бошласин.

13. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

а) 2025 йил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида бош режалар ишлаб чиқилиши зарур бўлган туман ва шаҳарлар рўйхатини тасдиқласин;

б) икки ой муддатда худудларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича амалдаги дастурни қайта кўриб чиқсан ҳолда, қуидагиларни назарда тутивчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили 1 ноябрга қадар шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича амалдаги дастурларни қайта кўриб чиқиб, келгуси йилда ишлаб чиқиладиган шаҳарсозлик ҳужжатларини, жумладан бош режа ва мастер-режаларни ишлаб чиқиш бўйича дастурни (кейинги ўринларда — Дастур) ахолиси сони тез ўсаётган ва илдам ривожланаётган, урбанизация ва агломерация тенденциялари юқори бўлган худудларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимилари билан биргаликда календарь йилининг 1 декабрига қадар тасдиқланган Дастурга муовифик шаҳарсозлик ҳужжатлари, жумладан бош режа ва мастер-режаларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди;

Макроиқтисодий ва худудий тадқиқотлар институти илдам ривожланаётган, урбанизация ва агломерация тенденциялари юқори бўлган худудлар бўйича тадқиқотлар олиб боради ва бош режа ва мастер-режаларни ишлаб чиқиш учун зарур яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга прогноз ҳисоб-китобларни шакллантиради.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 ноябрдаги «Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм обьектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-376-сон қарорининг 6-банди қўйидаги мазмундаги тўртинчи — олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бунда:

2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар электрон аукцион савдоларида реализация қилинган ер участкалари бўйича дастлабки тўлов суммаси 15 фоиздан кўп бўлган ҳолларда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби амал қиласлиги белгилаб қўйилсин;

аукцион ғолиби томонидан дастлабки тўлов суммасининг камида 15 фоизи тўланганда, унга ер участкасига бўлган ижара ва мулк ҳуқуқини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқи берилсин».

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчкоров, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И. Закиров, Давлат активларини бош-

кариш агентлиги директори А.Ж. Ортиков, Туризм қўмитаси раиси У.Р. Шодиев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ҳамда ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 8 июль,
ПҚ-245-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**231 Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда
кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рафбат-
лантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кичик тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларида иштирокини кенгайтириш орқали ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар ва ёшлар бандлигини ошириш, шунингдек, давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва ушбу тизимда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга оширишда нарх ва бошка шароитлар тенг бўлган ҳолларда, иловага мувофиқ мезонларнинг бири асосида ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектларининг таклифлари устунликка эга бўлади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ва манфаатдор идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 сентябрга қадар давлат харидлари маҳсус ахборот порталига ушбу банд талабларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритсан.

2. 2024 йил 1 сентябрдан 2025 йил 31 декабрга қадар «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ хузуридаги кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) ёрдамида ишлаб чиқилган лойиҳалар доирасида импорт қилинадиган асбоб-ускуналарни суфурталаш ҳамда хомашё ва материалларни сертификатлаш харажатларининг 50 фоизигача қисмини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаган миқдорда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тартиби жорий этилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган суфурталаш ва сертификатлаш харажатларини қоплаб бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ-366-сон қарори билан 2026 йил 1 январга қадар давлат иштирокидаги йирик корхоналар билан кооперация асосида ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган товарларни (маҳсулотларни) давлат буюртмачиларига бир молия йили давомида жами 10 миллиард сўмгача қийматда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотишга рухсат берилганини маълумот учун қабул қилинсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ марказлар давлат иштирокидаги йирик корхоналар билан кооперация асосида ташкил қилинадиган кичик тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳалари доирасида қўйидагиларга амалий кўмак беради:

асбоб-ускуналар ва технологияларни танлаш, харид қилиш ва ўрнатиш;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 июляда эълон қилинган.

марказларда ташкил қилинган амалий ўқув курсларида бизнесни ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ йўналишлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларини ўқитиш;

давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг ишлаб чиқариш майдонларида кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларини касб-хунарга ўқитиш ва малакасини ошириш;

кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини реализация қилиш учун уларни давлат харидлари тизимига кенг жалб қилиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда кичик тадбиркорлик субъектлари билан кооперация алоқаларини ўрнатган юридик шахслар билан давлат харидларини амалга ошириш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, давлат харидлари тизимини янада такомилаштириш ва ушбу тизимда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида 2024 йил 1 октябрдан бошлаб:

давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар улар тузилишидан олдин камида бир иш куни, шунингдек, тендер савдолари натижаларига кўра расмийлаштирилган баённомалар давлат харидлари маҳсус ахборот порталига жойлаштириш орқали камида икки иш куни давомида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади;

Ягона етказиб берувчилар реестрига бозорда муқобиллари бўлмаган ва техник жиҳатдан мураккаб товарларни етказиб берувчилар Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси хуносаси асосида киритилади;

давлат харидлари электрон тизимига ушбу тизимдан рўйхатдан ўтган юкори барқарорлик рейтингига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини улар томонидан ишлаб чиқариладиган (етказиб бериладиган) товарларга (ишларга, хизматларга) мос келадиган давлат буюртмасининг тизимга жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш функцияси киритилади;

давлат харидлари электрон тизими операторлари томонидан давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари ижрочиларига шартномаларни бажариш вақтида келиб чиқадиган судгача бўлган низоларнинг белгиланган тартибда ҳал этилишида кўмаклашиш амалиёти йўлга қўйилади;

тендер савдоларида битта тадбиркорлик субъекти иштирок этган тақдирда, давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилини ҳамда товарларга (ишларга, хизматларга) оид мезонларни ўзгартирганинг ҳолда тақороран эълон жойлаштирганда ва тақорорий тендер савдоларининг ягона иштирокчиси илгари иштирок этган тадбиркорлик субъекти бўлганда, тендер савдолари ўтказилган деб ҳисобланади.

Ушбу тартиб «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган таъбларга мос келмайдиган ва тақлифини тегишли тарзда расмийлаштирганинг тендер иштирокчиларига татбиқ этилмайди.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 декабрга қадар давлат буюртмачилари томонидан корпоратив банк карталаридан («харид карталари») фойдаланган ҳолда,

қуйидаги харидларни амалга ошириш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат буюртмачиси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ хизмат сафарлари ва бошқа мақсадлар учун чипталар (авиа ва темир йўл транспортига) ва меҳмонхона хизматлари харажатлари бўйича;

бензин, суюлтирилган ва сикилган газ, авиа ва дизель ёқилғисида ҳаракатланувчи транспорт воситаларига ёқилғи қуийш, электромобилларни электр энергияси билан қувватлантириш харажатлари бўйича.

7. Корпоратив буюртмачиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб:

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари, шунингдек, уларнинг таркибидаги хўжалик жамиятлари кузатув кенгашларининг давлат харидлари йиллик ва чораклик режа-жадваллари ҳамда импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини тасдиқлаш бўйича қарорлари муҳим факт сифатида ошкор қилиб борилсин;

давлат харидлари маҳсус ахборот порталида корпоратив буюртмачиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўладиган товарларни маҳаллийлаштириш орқали кооперация алоқаларини йўлга қўймоқчи бўлган юридик шахслар томонидан ўз таклифларини бериш имконияти яратилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

2024 йил 1 октябрга қадар давлат харидлари маҳсус ахборот порталида давлат буюртмачилари амалга оширган давлат харидлари натижаларига кўра товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан, уларнинг турлари кесимида шаклланган нархларни жамоатчилик учун очиқ ифодаловчи алоҳида саҳифа жорий этсин, давлат буюртмачиларига ушбу саҳифа асосида бошланғич нархни шакллантириш имкониятини яратсин;

2024 йил 1 ноябрга қадар илфор хорижий тажриба асосида электрон дўкон орқали харидлар тартибини соддалаштириш, харид комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш орқали инсон омилини қисқартириш, тадбиркорлик субъектларига чет эллардаги давлат харидларида иштирок этишига кўмаклашиш, шунингдек, давлат харидлари иштирокчиларининг ишончлилик рейтингини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

давлат харидлари электрон тизимининг операторлари билан биргаликда 2024 йил 1 декабрга қадар давлат харидлари тизимининг мобиль иловаларини яратсин;

Ижтимоий химоя миллий агентлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ҳар йили худудларда ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича кўргазма ярмаркаларини ташкил этиб борсин, шунингдек, уларнинг маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотлар билан давлат буюртмачиларини мунтазам равишда таништириб борсин;

хар йили камида бир марта ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаган кичик тадбиркорлик субъектлари учун давлат харидларида иштирок этиш тартиб-таомиллари юзасидан қисқа муддатли бепул ўқитиш курсларини ташкил этиб борсин;

давлат харидлари электрон тизимининг операторлари билан биргаликда ҳар йил якуни бўйича кейинги йилнинг 1 апрелига қадар давлат харидлари соҳасида «Энг фаол тадбиркор» ҳамда «Энг яхши буюртмачи» танловларини ўтказиб борсин;

уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчкоров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 июль,
ПҚ-249-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 10 июлдаги
ПҚ-249-сон қарорига
ИЛОВА

**Электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга
оширишда устуворлик бериладиган кичик тадбиркорлик
субъектлари бўйича
МЕЗОНЛАР**

1. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг доимий иш билан таъминлаганлиги бўйича — ходимлари умумий сонининг камидаги 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлиб, ушбу корхона уларнинг асосий иш жойи бўлиши ва ушбу шахсларга тўланган иш ҳақи умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камидаги 50 фоизини ташкил этиши.

2. Хотин-қизларнинг доимий иш билан таъминлаганлиги бўйича — раҳбари (директори) аёл киши бўлган, ходимлари умумий сонининг камидаги 50 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, ушбу корхона уларнинг асосий иш жойи бўлиши ва ушбу шахсларга тўланган иш ҳақи умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камидаги 50 фоизини ташкил этиши.

3. Ёшларнинг доимий иш билан таъминлаганлиги бўйича — раҳбари (директори) ўттиз ёшдан ошмаган, ходимлари умумий сонининг камидаги 50 фоизи ўттиз ёшдан ошмаган шахслардан иборат бўлиб, ушбу корхона уларнинг асосий иш жойи бўлиши ва ушбу шахсларга тўланган иш ҳақи умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камидаги 50 фоизини ташкил этиши.

4. Корхона ходимлари умумий сонининг камидаги 70 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этиши.

Изоҳ.

Ходимлар камидаги олти ой давомидаги ушбу корхонада узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириб келган бўлиши лозим.

Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ишилаб чиқариладиган товарлар тўгрисидаги маълумотлар электрон кооперация портали билан интеграция қилиши орқали шакллантирилади.

БЕШИНЧИ БҮЛЛМ

О'zbekiston RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

232 O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlarida ta'limning kredit-modul tizimida o'quvchilar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
8-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3351-1*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-apreldagi PF-5987-son "O'zbekiston Respublikasida yuridik ta'lif va fanni tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ-3666-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori hamda Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 23-oktabrdagi 858-sun "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlarida o'qishni tashkil qilish choralarini to'g'risida"gi va 2021-yil 10-iyundagi 359-sun "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tizimidagi ta'lif muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlariga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 1-martdagisi 3-mh-sun buyrug'i (ro'yxat raqami 3351, 2022-yil 2-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 02.03.2022-y., 10/22/3351/0178-sun) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlarida ta'limning kredit-modul tizimida o'quvchilar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lif, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2024-yil 8-iyul,
13-mh-sun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 9-iyulda e'lon qilingan.

Kelishildi:

*Oliy ta’lim, fan va
innovatsiyalar vaziri*

K. SHARIPOV

2024-yil 27-iyun

O‘zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2024-yil 8-iyuldagি
13-mh-son buyrug‘iga
ILOVA

**O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik
texnikumlarida ta’limning kredit-modul tizimida o‘quvchilar
bilimiini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to‘g‘risidagi
nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘srimchalar**

1. 7-banddagi “fakultet dekani” degan so‘zlar “O‘quv-metodik bo‘limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“9. O‘quv mashg‘ulotlarida kasalligi yoki hujjat bilan tasdiqlangan boshqa uzrli sabablar tufayli (yo‘l-transport hodisasi, yaqin qarindoshining vafoti, yaqin qarindoshining yoki o‘quvchining nikoh tuzishi, farzand tug‘ilishi, fan, madaniyat va sport sohalaridagi xalqaro hamda respublika tanlovlari va musobaqalarida ishtirok etganlik, elektron ta’lim platformasida yuzaga kelgan texnik nosozlik) ishtirok etmagan va shu sababli oraliq yoki yakuniy nazoratni belgilangan muddatda topshirmagan o‘quvchiga uning arizasi hamda ilova qilingan asoslatiruvchi hujjatlarga muvofiq yuridik texnikum direktorining o‘quv ishlari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari (bundan buyon matnda direktorning o‘quv ishlari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari deb yuritiladi) tomonidan oraliq yoki yakuniy nazorat turlarini (bundan buyon matnda nazorat turi deb yuritiladi) topshirishga ruxsat beriladi.

Bunda, direktorning o‘quv ishlari bo‘yicha birinchi o‘rinbosari nomiga oraliq yoki yakuniy nazoratni topshirishga ruxsat berishni so‘rab, uzrli sabablar (holatlar) bartaraf etilgan vaqtidan boshlab 15 ish kuni ichida ariza bilan murojaat qilishi lozim.”.

3. 11-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“11. O‘quvchilarning bilim saviyasi va o‘zlashtirish darajasini davlat ta’lim standartlariga muvofiqligini ta’minalash uchun yuridik texnikumda nazorat turlari o‘tkaziladi.

O‘quv dasturlarida belgilangan hollarda faqat yakuniy nazorat turi o‘tkazilishi mumkin.”.

4. 12-bandning to‘rtinchi xatboshisidagi “fakultet dekani” degan so‘zlar “O‘quv-metodik bo‘limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

5. 13-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Oraliq nazoratni o‘tkazish tartibi (oraliq nazoratni o‘tkazish shakli, oraliq

nazorat savollariga qo‘yiladigan talablar, baholash mezonlari) o‘quv fanining xususiyatlari va unga ajratilgan soatlardan kelib chiqqan holda o‘quv yili boshlanishidan kamida ikki hafta avval o‘quv dasturlarida belgilanadi va TDYU Kengashi tomonidan tasdiqlanadi.”.

6. 16-bandning ikkinchi xatboshisidagi “fakultet dekaniga” degan so‘zlar “O‘quv-metodik bo‘limiga” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 17 va 18-bandlar quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“17. O‘quv-metodik bo‘limi nazorat turlari bo‘yicha savollarni qabul qilgan kundan boshlab besh ish kuni ichida uning o‘quv dasturida belgilangan talablarga muvofiqligini tekshirish ishlarini amalga oshiradi.

18. Nazorat turlari bo‘yicha savollar, qoida tariqsida, mantiqiy savollar va muammoli vaziyatlarni yoki faqat muammoli vaziyatni (kazus, case-study) o‘z ichiga oladi. Shuningdek, yakuniy nazorat test shaklida o‘tkazilishi mumkin. Modullar bo‘yicha yakuniy nazorat savollarining mazmuni kafedralar tomonidan belgilanadi.”.

8. 19-band “auditoriyada yozma shaklda” degan so‘zlardan keyin “yoki elektron ta’lim platformasi orqali kompyuterda” degan so‘zlar bilan to‘ldirilsin.

9. 21-banda:

birinchi va uchinchi xatboshilardagi “fakultet dekani” degan so‘zlar “O‘quv-metodik bo‘limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “Fakultet dekani” degan so‘zlar “O‘quv-metodik bo‘limi” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

10. 25-banddagi “va fakultet dekani” degan so‘zlar “, Ta’lim sifatini nazorat qilish bo‘limining boshlig‘i va xodimlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

11. 33-bandning birinchi xatboshisidagi “fakultet dekani” degan so‘zlar “Ta’lim sifatini nazorat qilish bo‘limining boshlig‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

12. 40-banda:

birinchi xatboshidagi “fakultet dekani” degan so‘zlar “O‘quv-metodik bo‘lim boshlig‘i” degan so‘zlar bilan almashtirilsin;

ikkinchi xatboshidagi “fakultet dekani” degan so‘zlar “O‘quv-metodik bo‘lim boshlig‘ining” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING
BUYRUG'I

233 O'zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
8-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3526*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 11-avgustdag'i 362-son "Iqlim o'zgarishi va tabiiy ofatlar xavfiga nisbatan milliy harakatlar rejasini ishlab chiqish hamda samarali amalga oshirishni tashkil etish to'g'risida" gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Raqamli texnologiyalar vazirligi, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi, Ichki ishlar vazirligi hamda Milliy gvardiya bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

A. KULDASHEV

Toshkent sh.,
2024-yil 15-may,
144-sون

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

2024-yil 23-aprel

Raqamli texnologiyalar vaziri

Sh. SHERMATOV

2024-yil 14-may

*Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri*

B. MUSAYEV

2024-yil 29-aprel

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 10-iyulda e'lon qilingan.

Ichki ishlar vaziri

2024-yil 18-aprel

Milliy gvardiyasi qo'mondoni

2024-yil 13-may

*P. BOBOJONOV**R. DJURAYEV*

O'zbekiston Respublikasi
 favqulodda vaziyatlar vazirining 2024-yil
 15-maydagi 144-son buyrug'iga
 ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning
 namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash
 tartibi to'g'risidagi
 NIZOM**

Mazkur Nizom O'zbekiston Respublikasi hududidagi barcha aholi punktlari va obyektlarning (bundan o'ta muhim va toifalangan obyektlar mustasno) namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalilanadi:

aholi punkti — huquqiy maqom, nom va chegara bilan belgilangan O'zbekiston Respublikasi ma'muriy-hududiy birligi (shahar, shaharcha, qishloq, ovul);

aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasporti (bundan buyon matnda xavfsizlik pasporti deb yuritiladi) — aholi punktlari va obyektlar haqidagi ma'lumotlarni to'plash, tizimli axborot bazasini shakllantirish, ularni monitoring va tahlil qilish orqali yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish uchun tuziladigan hujjat;

obyekt — ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan aholiga xizmat ko'rsatuvchi, ma'lum bir ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish yo'nalishiga ixtisoslashgan, majmuaviy texnologik jarayonlarni o'z ichiga olgan tashkilot (korxona);

tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlar — muayyan hududda odamlar qurban bo'lishiga, odamlarning sog'lig'iga yoki atrof tabiiy muhitga zarar yetishiga, jiddiy moddiy talafotlarga hamda odamlarning hayot faoliyati sharoitlari buzilishiga olib kelishi mumkin bo'lgan yoki olib kelgan avariya, halokat, xavfli tabiiy hodisa, tabiiy ofat yoxud boshqa ofat natijasida, karantinli va inson uchun xavfli bo'lgan boshqa yuqumli kasalliliklar tarqalishi natijasida yuzaga kelgan vaziyatlar;

"Xavfsizlik pasporti" avtomatlashtirilgan axborot-ma'lumot tizimi (bundan buyon matnda axborot-ma'lumot tizimi deb yuritiladi) — O'zbekiston

Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining respublika, viloyat, tuman (shahar) kesimida aholi punktlari va obyektlarning xavfsizlik pasporti ma'lumotlari kiritiladigan elektron portali.

2-bob. Xavfsizlik pasportini tuzishning maqsadi va vazifalari

2. Xavfsizlik pasportini tuzishning maqsadi aholi punktlari va obyektlar haqidagi ma'lumotlarni to'plash, axborot-ma'lumot tizimiga kiritish, ularni monitoring va tahlil qilish orqali yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishdan iborat.

3. Quyidagilar xavfsizlik pasportini tuzishning asosiy vazifalari hisoblanadi:
aholi punktlari va obyektlarning umumiyligini xususiyatlarini aniqlash;
aholi punktlari va obyektlarning xavf darajasini aniqlash;
aholi punktlari va obyektlarning favqulodda vaziyatlar xavfini kamaytirish hamda oqibatlarini bartaraf etish bo'yicha profilaktik chora-tadbirlar ishlab chiqish.

3-bob. Xavfsizlik pasportini tuzish, kelishish hamda unga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish

4. Xavfsizlik pasportini shakllantirish tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo'limi tomonidan xavfsizlik pasportini tuzish reja-grafigi ishlab chiqiladi va tuman (shahar) hokimligi tomonidan tasdiqlanadi.

5. Tuman (shahar) hokimligi belgilangan reja-grafik asosida tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo'limi orqali mahallalarni hamda mazkur Nizomning 6-bandida belgilangan toifaga kiruvchi obyektlarni xavfsizlik pasportlarini shakllantirish to'g'risida yozma yoki elektron shaklda xabardor qiladi.

6. Aholi punkting xavfsizlik pasporti tuman (shahar) hokimligi tomonidan har bir mahalla bo'yicha fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organi bilan birgalikda mazkur Nizomning 1-ilovasiga* muvofiq shaklda shakllantiriladi.

Bunda, aholi punktlarining xavfsizlik pasportini tuzishda tuman (shahar) hokimligi va tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo'limidan mas'ul xodim biriktirib beriladi.

Tuman (shahar)da joylashgan xodimlari soni ellik nafar va undan ortiq bo'lgan obyektlar tomonidan o'zlarining xavfsizlik pasportlari ishlab chiqiladi. Obyektlarning xavfsizlik pasporti obyekt rahbari tomonidan mazkur Nizomning 2-ilovasiga* muvofiq shaklda shakllantiriladi.

Xodimlari soni ellik nafardan kam bo'lgan obyektlar aholi punktlarining xavfsizlik pasportida ko'rsatiladi.

7. Xavfsizlik pasporti uni shakllantirish bo'yicha xabardor qilingan kundan boshlab tuman (shahar) hokimligining mas'ul xodimi hamda obyekt rahbari tomonidan bir oy ichida tuziladi va tasdiqlanadi.

Bunda, aholi punktlarining xavfsizlik pasportini tuzish fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organi tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlar asosida amalga oshiriladi.

* 1-2-ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

8. Xavfsizlik pasportini shakllantirishda aholi punkti hamda obyekt haqidagi umumiy ma'lumotlar, ularda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tabiiy, texnogen va ekologik xususiyatli favqulodda vaziyatlar hamda ularni oldini olish bo'yicha ko'rildigan chora-tadbirlar to'g'risida ma'lumotlar to'planadi.

Bunda, aholi punkti va obyektda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan tabiiy, texnogen va ekologik xususiyatli favqulodda vaziyatlar O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 27-oktabrdagi 455-son qarori bilan tasdiqlangan Texnogen, tabiiy va ekologik tusdagi favqulodda vaziyatlarning tasnifi asosida aniqlanadi.

9. Axborot-ma'lumot tizimida mahallalar kesimida tuman (shahar) hokimligining mas'ul xodimiga va obyektlar rahbarlariga xavfsizlik pasportini shakllantirish uchun shaxsiy kabinet ochiladi.

10. Xavfsizlik pasporti ma'lumotlari tuman (shahar) hokimligining mas'ul xodimi va obyekt rahbari tomonidan axborot-ma'lumot tizimidagi shaxsiy kabinetin orqali elektron shaklda kiritiladi hamda ularning elektron raqamli imzosi bilan tasdiqlanadi.

11. Tuman (shahar) hokimligining mas'ul xodimi va obyekt rahbariga xavfsizlik pasportlarini shakllantirishda tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo'limi xodimlari tomonidan uslubiy yordam ko'rsatiladi.

12. Xavfsizlik pasportlari tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo'limi tomonidan axborot-ma'lumot tizimiga kiritilgan kundan boshlab o'n kun ichida, ularni qo'shimcha o'rganish, tekshirish yoki qo'shimcha hujjatlarni so'rab olish talab etilganda esa bir oy oy ichida kelishib beriladi.

13. Axborot-ma'lumot tizimi "Elektron hukumat" tizimining idoralararo integratsion platformasi va davlat organlarining elektron tizimlariga integratsiya qilinadi.

Tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo'limi mas'ul xodimi xavfsizlik pasportlariga kiritilgan ma'lumotlarning to'g'rilingini axborot-ma'lumot tizimi orqali tekshirishi uchun imkoniyat yaratiladi.

14. Axborot-ma'lumot tizimiga noto'g'ri yoki buzib ko'rsatilgan ma'lumotlar kiritilganligi aniqlanganda, tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo'limi tomonidan xavfsizlik pasportlarini kelishish rad etiladi hamda xavfsizlik pasportlari ma'lumotlarini to'g'rilib kiritish uchun axborot-ma'lumot tizimi orqali qaytariladi.

15. Xavfsizlik pasportlari ma'lumotlari qaytarilgan kundan boshlab tuman (shahar) hokimligining mas'ul xodimi va obyekt rahbari tomonidan o'n kun ichida axborot-ma'lumot tizimi orqali to'g'rilib kiritilishi lozim.

16. Xavfsizlik pasportlari ma'lumotlari axborot-ma'lumot tizimi orqali to'g'rilib kiritilgan kundan boshlab uch kun ichida tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo'limi tomonidan kelishib beriladi, bundan ma'lumotlar takroran noto'g'ri yoki buzib ko'rsatilgan holatlar mustasno.

Bunda, axborot-ma'lumot tizimiga takroran noto'g'ri yoki buzib ko'rsatilgan ma'lumotlar kiritilganligi aniqlanganda, mazkur Nizomning 14 va 15-bandlariga muvofiq xavfsizlik pasportlari axborot-ma'lumot tizimi orqali qaytariladi va to'g'rilib kiritiladi.

17. Xavfsizlik pasportlari ma'lumotlariga har yili birinchi aprel sanasiga

qadar tuman (shahar) hokimligining mas’ul xodimi va obyekt rahbari tomonidan axborot-ma’lumot tizimi orqali tegishli o‘zgartirish va qo’shimchalar kiritiladi.

Bunda, tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo‘limi tomonidan tuman (shahar) hokimligining mas’ul xodimi va obyekt rahbari xavfsizlik pasporti ma’lumotlariga tegishli o‘zgartirish va qo’shimchalar kiritish lozimligi to‘g‘risida har yili birinchi fevral sanasiga qadar yozma yoki elektron shaklda xabardor qilinadi.

18. Aholi punktlari va (yoki) obyektlarda tabiiy, texnogen va ekologik xususiyatli favqulodda vaziyatlar yuzaga kelish ehtimoli vujudga kelganda, tuman (shahar) hokimligining mas’ul xodimi va obyekt rahbari bu haqida uch kun ichida axborot-ma’lumot tizimidagi xavfsizlik pasporti ma’lumotlariga tegishli o‘zgartirishlar kiritish orqali tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo‘limini xabardor qiladi.

Bunda, tuman (shahar) favqulodda vaziyatlar bo‘limi tabiiy, texnogen va ekologik xususiyatli favqulodda vaziyatlarni oldini olish maqsadida joyiga chiqqan holda o‘rganib, tegishli chora-tadbirlarni amalga oshiradi.

4-bob. Yakunlovchi qoida

19. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo‘ladilar.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

234 Vazirliklar, idoralar va mahalliy davlat hokimiyati organlariga tegishli bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini ularning roziligidisiz ijaraga berish yoki sotish uchun savdoga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 9-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3403-1

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Davlat mulkini boshqarish sohasi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ayrim hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish, shuningdek, ba'zilarini o'z kuchini yo'qotgan deb hisoblash to'g'risida" 2024-yil 19-apreldagi PF-67-son Farmoni hamda "Davlat aktivlarini boshqarish agentligi faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida" 2023-yil 24-martdag'i PQ-101-son va "Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida" 2023-yil 24-martdag'i PQ-102-son qarorlariga muvofiq, **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2022-yil 29-noyabrdagi 326-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3403, 2022-yil 19-dekabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 19.12.2022-y., 10/22/3403/1098-son) bilan tasdiqlangan Vazirliklar, idoralar va mahalliy davlat hokimiyati organlariga tegishli bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini ularning roziligidisiz ijaraga berish yoki sotish uchun savdoga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor

A. ORTIKOV

Toshkent sh.,
2024-yil 27-iyun,
221-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

2024-yil 21-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 9-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Davlat aktivlarini boshqarish agentligi
direktorining 2024-yil 27-iyundagi 221-son
buyrug'iga
ILOVA

**Vazirliklar, idoralar va mahalliy davlat hokimiyyati organlariga
tegishli bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini ularning
roziligesiz ijaraiga berish yoki sotish uchun savdoga chiqarish
tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 1-bandning beshinchи xatboshisidagi "Bo'sh turgan obyektlardan samarali foydalanishni tashkil etish markazining" degan so'zlar "Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.
2. 11-banddagи "2009-yil 8-apreldagi 102-son" degan so'zlar "2023-yil 14-dekabrdagi 660-son" degan so'zlar bilan almashtirilsin.
3. 13-bandning to'rtinchи xatboshisidagi "Davlat mulkini sotishda tender savdolarini o'tkazish bo'yicha davlat komissiyasi" degan so'zlar "Davlat aktivlarini xususiyashtirish va xususiyashtirish jarayonlarini muvofiqlashtirish davlat komissiyasi" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

235 O'zbekiston Respublikasi banklarida buxgalteriya hisobini yuritish va buxgalteriya ishlarini tashkil qilish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
10-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1834-11*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi qonunlari muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2008-yil 3-maydagi 11/5-son qarori (ro'yxat raqami 1834, 2008-yil 11-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 28-son, 276-modda) bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi banklarida buxgalteriya hisobini yuritish va buxgalteriya ishlarini tashkil qilish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

M. NURMURATOV

Toshkent sh.,
2024-yil 14-iyun,
17/5-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 10-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
 Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil
 14-iyundagi 17/5-son qaroriga
 ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi banklarida buxgalteriya hisobini
 yuritish va buxgalteriya ishlarini tashkil qilish tartibi to'g'risidagi
 yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 5-bandning yigirma ikkinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"yakuniy nazorat — amaliyot kun tugagandan so'ng, keyingi bank ish kunidan kechikmagan holda bankda amalgalga oshirilgan barcha bank operatsiyalarini (avtomatlashirilgan tarzda dasturda hisoblash orqali shakllangan to'lov hujjatlari hamda bank hisobvaraqlariga masofadan xizmat ko'rsatish tizimlari orqali amalgalga oshirilgan operatsiyalar bundan mustasno) buxgalteriya hisobida to'g'ri aks ettirilganligini, shu jumladan birlamchi hujjatlar asosida o'tkazilganligini tekshirish maqsadida amalgalga oshiriladigan nazorat.”.

2. 13-bandning uchinchi jumlesi chiqarib tashlansin.

3. 36-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“36. O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Davlat xavfsizlik xizmati, Favqulorra vaziyatlar vazirligi, Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojaxona qo'mitasi va ularga qarashli muassasalarining to'lov topshiriqnomalari va cheklarida to'lovlar maqsadi ko'rsatilishi talab qilinmaydi.”.

4. 105-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“16561 — Ombordagi asosiy vositalar” va “19921 — Ombordagi kam baholi va tez eskiruvchi buyumlar hamda boshqa qimmatliklar” hisobvaraqlarida hisobga olinadigan moddiy qimmatliklar elektron shakldagi talabnomalar asosida ombordan chiqarilganda, elektron shakldagi talabnomalar bo'yicha hujjatlar aylanmasi bankning ichki hujjatlari bilan tartibga solinadi.”.

5. 146-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

6. 150-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“150. Tuzatish orderlari, agar mijozlarga bitta bank filiali xizmat ko'rsatsa uch nusxada tuzilishi lozim. Ularning birinchi nusxasi order bo'lib xizmat qiladi, ikkinchi va uchinchi nusxalari mijozlar uchun debet va kredit yozuvlari bo'yicha bildirishnomalar bo'lib hisoblanadi.

Tuzatish orderi matnida qachon va qaysi hujjatda xato yozuvga yo'l qo'yilgani ko'rsatilishi kerak. Agar unga mijoz arizasi sabab bo'lgan bo'lsa, shu sabab ko'rsatiladi. Bunda memorial orderning birinchi nusxasining orqa tomoniga kimning aybi bilan xatolikka yo'l qo'yilganligi qayd etiladi, ijrochining, shuningdek noto'g'ri yozuvni nazoratdan o'tkazgan shaxsnинг lavozimi va familiyasi ko'rsatiladi. Tuzatish memorial orderlari tuzilishida asos bo'lgan arizalar kunlik yig'majildga tikiladi.”.

7. 152-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

8. 8-ilova quyidagi mazmundagi pozitsiya bilan to'ldirilsin:

“

22 | Masofadan xizmat ko'rsatish tizimi orqali o'tkazilgan to'lov talabnomasi
”.

9. 9-ilovada:

“Kt 45401 — “Spot” bitimi bo'yicha xorijiy valyutalardagi foyda” degan so'zlar “Kt 45403 Valyuta qoldiqlarini qayta baholashdan olingan foyda” degan so'zlar bilan almashtirilsin;

“Dt 55302 — “Spot” bitimlari bo'yicha xorijiy valyutalarda ko'rilgan zararlar” degan so'zlar “Dt 55304 Valyuta qoldiqlarini qayta baholashdan ko'rilgan zararlar” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

236 Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylar o'quvchilarining bilimini nazorat qilish va baholash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
10-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3527*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 2-iyundagi 347-sون “Toshkent davlat yuridik universitetida kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylar o'quvchilarining bilimini nazorat qilish va baholash tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. Ushbu buyruq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.
3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2024-yil 10-iyul,
14-mh-son

Kelishildi:

*Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vaziri*

K. SHARIPOV

2024-yil 25-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 11-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2024-yil 10-iyuldag'i
14-mh-son buyrug'iiga
ILOVA

**Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik
litseylar o'quvchilarining bilimini nazorat qilish va baholash
tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylar (bundan buyon matnda akademik litseylar deb yuritiladi) o'quvchilarining bilimini nazorat qilish va baholash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Akademik litsey o'quvchilari (bundan buyon matnda o'quvchilar deb yuritiladi) bilimini nazorat qilish va baholashning maqsadi — o'quvchilarining nazari va amaliy bilimlarini o'zlashtirish darajasini aniqlashdan iborat.

2. Akademik litseyda nazorat turi savollarini umumlashtirish, o'quvchilarining reyting ko'rsatkichlarini shakllantirish hamda nazorat turlari bo'yicha natijalarni umumlashtirish O'quv-metodik bo'limi tomonidan amalga oshiriladi.

Kafedra mudiri har bir fan bo'yicha o'quv kontentlarini shakllantirish, nazorat turi savollarini tuzish, nazorat ishlarini tekshirishga mas'ul bo'lgan pedagog xodimni belgilaydi.

O'quv semestri davomida o'quvchilar bilimini baholash har bir fan bo'yicha nazorat jadvallari va baholash mezonlari asosida amalga oshiriladi, shuningdek elektron ta'lim platformasiga kiritib boriladi.

3. O'quvchilar akademik litsey o'qituvchilari tomonidan har bir fanning birinchi mashg'ulotida mazkur Nizom talablari bilan to'liq tanishtirilishi shart.

2-bob. Nazorat turlari va baholash mezonlari

1-§. Nazorat turlari

4. Akademik litseyda o'quvchilar bilimini nazorat qilish joriy, oraliq va yakuniy nazorat turlarini o'tkazish orqali amalga oshiriladi.

O'quv dasturlarida belgilangan hollarda faqat joriy va yakuniy nazorat turlari o'tkazilishi mumkin.

5. Akademik litseyning o'quvchisi har bir nazorat turini topshirishi shart.

2-§. Joriy nazoratni o'tkazish

6. Joriy nazorat o'quvchining fan mavzulari bo'yicha o'zlashtirish darajasini muttazam ravishda aniqlash va baholash usuli hisoblanadi.

Joriy nazorat fan mavzusi doirasida o'zlashtirgan bilimlarni og'zaki va yozma bayon etish, pedagog xodimning topshiriqlari asosida bahs-munozaraga kirishish,

muammoli vaziyatlarni hal etish (keys-stadi), jamoada ishslash, mustaqil ishlar (taqdimotlar) tayyorlash va boshqa shakllarda baholashga qaratiladi.

7. Fanning mazmuni va xususiyatidan kelib chiqqan holda o'quvchining har bir mavzu bo'yicha o'zlashtirishi baholab boriladi.

Joriy nazorat seminar va amaliy mashg'ulot shakllarida o'tkaziladi.

8. Joriy nazorat uchun har bir fan bo'yicha jami ballning (baho foizining) 20 foizigacha ajratiladi.

3-§. Oraliq nazoratni o'tkazish

9. Oraliq nazorat semestr davomida fan o'quv dasturining tegishli bo'limi tugagandan keyin o'quvchining bilim va amaliy ko'nikmalarini baholash maqsadida o'tkaziladi.

Oraliq nazorat o'quvchi tomonidan fan o'quv dasturining tegishli bo'limlari mazmunini o'zlashtirish darajasi, o'quvchining hujjatlar bilan ishslash amaliy ko'nikmalari, muammoli vaziyatlarni hal etish (keys-stadi), mustaqil izlanishlar olib borish, o'z fikrlarini izchil va aniq bayon qilish qobiliyatini baholashga qaratilgan.

10. Oraliq nazorat har bir o'quv fanining xususiyatidan kelib chiqqan holda semestr davomida kamida bir marotaba o'tkaziladi.

Oraliq nazorat og'zaki, yozma ish (individual yoki jamoaviy ish, prezентatsiya, tahliliy ma'lumot tayyorlash, muammoli vaziyat (kazus)lar) yoki test sinovlari shaklida o'tkaziladi. Oraliq nazorat axborot-kommunikatsiya texnologiyalari orqali ham topshirilishi mumkin.

Oraliq nazorat uchun har bir fan bo'yicha jami ballning (baho foizining) 30 foizigacha ajratiladi.

Savollar o'quvchilarining o'quv dasturi doirasida o'zlashtirgan bilimlarini ifoda etish, muammoli vaziyatlar bo'yicha munozaraga kirishish, fan bo'yicha manbalar asosida o'z pozitsiyasini asoslash ko'nikmalari shakllanganligini aniqlashga qaratilgan bo'lishi lozim.

11. Oraliq nazorat natijalari ushbu nazorat turi o'tkazilgan kundan e'tiboran uch ish kuni ichida pedagog xodim tomonidan elektron ta'lim platformasiga kiritish orqali rasmiylashtiriladi.

12. Yozma ish va test sinovlari shakllarida o'tkazilgan oraliq nazorat auditoriyada mustaqil ravishda o'quvchi tomonidan bajariladi va pedagog xodimga topshiriladi.

Oraliq nazorat elektron ta'lim platformasi orqali kompyuterda topshirilishi mumkin.

4-§. Yakuniy nazoratni o'tkazish

13. Yakuniy nazorat o'quv dasturi doirasida o'quvchining nazariy bilim va amaliy ko'nikmalarni to'liq o'zlashtirganlik darajasini baholashning yakuniy bosqichi hisoblanadi.

Yakuniy nazorat o'quvchining o'quv dasturida nazarda tutilgan mavzular doirasida qisqa vaqt mobaynida nazariy savollarga o'z fikrini bildirish, muammoli

vaziyatlarga yechim topish, test sinovlarini topshirish qobiliyatini aniqlashga qaratilgan.

14. O'quv rejada belgilangan fanlar bo'yicha yakuniy nazorat semestr yakunida yozma yoki test shakllarida auditoriya kuzatuvchisi nazorati ostida o'tkaziladi. Yakuniy nazorat elektron ta'lif platformasi orqali kompyuterda topshirilishi mumkin.

Yakuniy nazorat savollari nazariy savollar va muammoli vaziyat (kazus)lar yoki test sinovlaridan tashkil topadi. Yakuniy nazorat savollari tegishli kafedra tomonidan ishlab chiqiladi.

15. Kafedra mudiri tomonidan yakuniy nazorat savollari sifatli tayyorlanishi va ushbu savollar yakuniy nazorat o'tkazilishidan ikki hafta oldin O'quv-metodik bo'limiga taqdim qilinishi lozim.

O'quv-metodik bo'limi savollar bazasidan yakuniy nazorat variantlarini yakuniy nazorat o'tkazilishidan bir hafta oldin shakllantiradi.

16. Yakuniy nazoratni o'tkazishda auditoriya kuzatuvchisi sifatida ishtirok etadigan pedagog xodimlar ro'yxati yakuniy nazorat o'tkazilishidan uch ish kuni oldin akademik litseyning ijrochi direktori tomonidan tasdiqlanadi.

17. Auditoriya kuzatuvchisi yakuniy nazoratni o'tkazishda quyidagi huquqlarga ega:

yakuniy nazorat boshlanganidan keyin o'quvchilarni auditoriyaga kiritmaslik;
yakuniy nazorat o'tkazilayotgan vaqtida o'quvchilarning o'rnini almashtirish.

18. Auditoriya kuzatuvchisi yakuniy nazoratni o'tkazishda quyidagilarga majbur:

o'quvchilarni yakuniy nazoratni boshlashdan avval uni o'tkazish tartibi va davom etish vaqtini haqida xabardor qilish;

o'quvchilarga yakuniy nazoratni boshlashdan oldin foydalanish taqiqlangan barcha predmetlarni kuzatuvchilarga topshirishlari zarurligini tushuntirish;

o'quvchilarni auditoriyada bir-birlaridan ko'chirishlari uchun imkon bo'lmaydigan holda joylashtirish;

yakuniy nazorat o'tkazilayotgan vaqt davomida o'quvchilar tomonidan tartibga rioya qilinishini ta'minlash;

yakuniy nazoratni o'tkazishda mazkur Nizomda belgilangan qoidalarni buzgan o'quvchilarni dalolatnoma tuzgan holda ushbu nazorat turidan chetlashtirish.

19. Yakuniy nazorat, qoida tariqasida, 1 soat 20 daqiqa (80 daqiqa) mobaynida o'tkaziladi. Yakuniy nazoratning boshlanish va tugash vaqtini auditoriya kuzatuvchisi tomonidan auditoriya doskasida aks ettirilishi zarur.

Yakuniy nazorat ishi o'quvchi tomonidan mustaqil ravishda yozilishi shart.

20. Yakuniy nazorat o'tkazish jarayonida o'quvchilarning auditoriyadan chiqishi, bir-biri bilan gaplashishi, boshqa o'quvchilarga o'z yozma ish varaqalarini berishi, o'zi bilan darsliklar, o'quv-uslubiy qo'llanmalar, lug'atlar, ma'lumotnomalar va boshqa adabiyotlar, konspektlar, elektron va qog'oz shakldagi shpargalkalar, kalkulyatorlar, aloqa vositalari (shu jumladan uyali aloqa vositasi), audio-, foto- va video-yozuv qurilmalari va boshqalarini olib kirishi va ulardan foydalanishi taqiqланади. Shaxsiy buyumlar auditoriyadagi alohida stolga qo'yilishi kerak.

21. Yakuniy nazorat uchun ajratilgan vaqt tugaganidan so'ng, o'quvchi o'z nazorat ishini auditoriya kuzatuvchisiga topshiradi.

Yakuniy nazorat ishlari soni auditoriya kuzatuvchisi tomonidan qayta sanaladi, nazorat ish varaqlari uning imzosi bilan tasdiqlanadi va yakuniy nazoratda qatnashgan o'quvchilar soniga mutanosib ravishda O'quv-metodik bo'limiga topshiriladi.

5-§. Baholash tartibi va mezonlari

22. O'quvchining har bir fan bo'yicha o'zlashtirish darajasi uning bilim, malaka va ko'nikmalarini baholashning reyting tizimi asosida ballarda aks ettiriladi.

23. O'quvchining semestr mobaynidagi har bir fan bo'yicha o'zlashtirishi 100 ballik tizim asosida butun sonlar bilan baholanadi.

100 ball nazorat turlari bo'yicha, quyidagicha taqsimlanadi:

joriy nazorat — 20 ballgacha;

oraliq nazorat — 30 ballgacha;

yakuniy nazorat — 50 ballgacha.

TDYU Kengashi tomonidan nazorat turlari bo'yicha ballar miqdori o'zgartirilishi mumkin.

24. Har bir nazorat turi umumiylashtirish 100 foizidan kelib chiqqan holda baholanadi.

Bunda, o'quvchining fanni o'zlashtirishi bo'yicha barcha nazorat turlari yuzasidan baholash quyidagi namunaviy mezonlar asosida amalga oshiriladi:

a) 86 — 100 foiz (5 baho) olish uchun o'quvchi:

mustaqil va ijodiy fikrlashi, qaror qabul qilishi hamda mushohada yuritishi, fikrlarini ravon bayon etishi, nazariy bilimini amalda qo'llay olishi, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunishi, bilishi, seminar va amaliy mashg'ulotlarda ijodiy va faol qatnashishi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega bo'lishi lozim;

b) 71 — 85 foiz (4 baho) olish uchun o'quvchi:

mustaqil fikrlashi, o'z fikrlarini bayon etishi, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunishi, bilishi, nazariy bilimini amalda qo'llay olishi, seminar va amaliy mashg'ulotlarda ijodiy va faol qatnashishi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega bo'lishi lozim;

v) 56 — 70 foiz (3 baho) olish uchun o'quvchi:

olgan bilimini amalda qo'llay olishi, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunishi, bilishi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega bo'lishi lozim;

g) o'quvchining bilim darajasi 0 — 55 gacha baholanadi, agar:

fan dasturini o'zlashtirmagan bo'lsa, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunmasa hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega bo'lmasa.

25. Fanlar bo'yicha semestr uchun o'quvchi reytingi quyidagicha aniqlanadi:

$$\mathbf{R \text{ semestr} = JN+ON+YaN}$$

Agar fan ikki semestrda davom etsa umumiy ballarining arifmetik o‘rtachasi olinadi.

$$P \text{ ўиллик} = \frac{P \text{ 1-семестр} + P \text{ 1-семестр}}{2}$$

Har bir fan bo‘yicha umumiy reyting balli yillar bo‘yicha to‘plangan ballarning o‘rtacha arifmetik qiymatidan kelib chiqib aniqlanadi.

$$P = \frac{P \text{ 1 йил} + P \text{ 2 йил}}{2}$$

3-bob. Nazorat ishlarini tekshirish

26. Oraliq va yakuniy nazorat ishlarini tekshirish pedagog xodimlar tomonidan akademik litsey binosining ichki qismida maxsus ajratilgan xonada amalga oshiriladi.

Oraliq va yakuniy nazorat ishlarini maxsus ajratilgan xonadan tashqariga olib chiqish taqiqlanadi. Maxsus ajratilgan xona ichkarisiga akademik litsey ijrochi direktori, direktorning o‘quv ishlari bo‘yicha o‘rinbosari, O‘quv-metodik bo‘limi boshlig‘i va tekshiruvchi pedagog xodimlardan tashqari boshqa shaxslarning kirishi man qilinadi.

Pedagog xodim tomonidan oraliq va yakuniy nazorat ishining birinchi varag‘i ustiga ball qo‘yiladi. Ball aniq ifodalangan shaklda pedagog xodimning imzosi bilan tasdiqlangan holda qo‘yilishi kerak.

Pedagog xodim tomonidan har bir tekshirilgan nazorat ishiga taqriz beriladi hamda unda nazorat ishi mazmunining ijobiy jihatlari va yo‘l qo‘yilgan xatoliklar aks ettirilishi lozim.

Nazorat ishlari elektron ta’lim platformasi orqali topshirilgan taqdirda, pedagog xodim tomonidan elektron tarzda tekshirilishi va taqriz yozilib baholanishi lozim.

27. Oraliq va yakuniy nazorat ishlarining ayrimlari TDYU tomonidan tanlab qayta tekshirilishi mumkin. Bunda, nazorat ishlari TDYU xodimlari tomonidan bevosita joyga chiqqan holda qayta tekshiriladi yoki nazorat ishlari tegishli so‘rovga ko‘ra TDYUga yuboriladi.

Tanlangan ishni qayta tekshirish natijasida unga qo‘yilgan ball o‘zgartirilishi mumkin.

28. Pedagog xodim tomonidan nazorat ishlarini tekshirish ular yakunlangan kundan boshlab uch ish kuni ichida amalga oshiriladi va shu kunning o‘zida elektron ta’lim platformasidagi reyting qaydnomasiga kiritiladi.

Nazorat ishlarining natijalari ularni tekshirish muddati yakunlangan kundan boshlab uch ish kuni ichida e’lon qilinadi.

29. O‘quv-metodik bo‘limi tomonidan joriy, oraliq va yakuniy nazorat reyting qaydnomalari asosida jamlovchi reyting qaydnomasi tuziladi.

Jamlovchi reyting qaydnomasini O'quv-metodik bo'limi boshlig'i va mas'ul xodim imzolaydi hamda direktorning o'quv ishlari bo'yicha o'rinnbosari tasdiqlaydi.

Joriy, oraliq va yakuniy nazorat reyting qaydnomalari hamda jamlovchi reyting qaydnomalarining shakllari akademik litsey Kengashi tomonidan tasdiqlangan namuna bo'yicha tuziladi.

30. O'quvchilarning appellatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish uchun direktor buyrug'i bilan kamida besh nafar mutaxassislardan iborat tarkibda Appellatsiya komissiyasi tashkil etiladi.

Nazorat ishlarini o'tkazishga mas'ul bo'lgan shaxslarning Appellatsiya komissiyasi tarkibiga kiritilishiga yo'l qo'yilmaydi.

31. Nazorat ishlarining natijalaridan norozi bo'lgan o'quvchilar natijalar e'lon qilingan kundan boshlab besh kun ichida Appellatsiya komissiyasiga yozma yoki elektron shaklda appellatsiya shikoyati berishlari mumkin.

Bunda, Appellatsiya komissiyasi appellatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan o'quvchini shikoyat ko'rib chiqilishidan ikki kun oldin uni ko'rib chiqish vaqtini va joyi haqida ogohlantiradi.

32. Appellatsiya komissiyasi appellatsiya shikoyatini, u kelib tushgan kundan boshlab uch kun muddat ichida ko'rib chiqadi. Bunda, appellatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan o'quvchi mazkur shikoyatni ko'rib chiqishda ishtiroy etish huquqiga ega.

33. Appellatsiya komissiyasi unda a'zolarning kamida uchdan ikki qismi ishtiroy etganda vakolatli hisoblanadi. Appellatsiya komissiyasining qarori oddiy ko'pchilik ovoz bilan qabul qilinadi va majlisda ishtiroy etgan barcha a'zolar tomonidan tasdiqlanadigan bayonnomaga bilan rasmiylashtiriladi.

34. Appellatsiyani ko'rib chiqishda appellatsiya komissiyasi nazorat ishlarini har tomonlama o'rganadi. Appellatsiya komissiyasi tomonidan appellatsiya shikoyatini ko'rib chiqish davomida o'quvchiga uni qayta baholashga qaratilgan savollar berilishiga yo'l qo'yilmaydi.

35. Appellatsiya shikoyatini ko'rib chiqish natijalari bo'yicha Appellatsiya komissiyasi tomonidan quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

е'tiroz asossiz bo'lsa, nazorat ishlarining natijalarini o'zgarishsiz qoldirish;

е'tiroz asosli bo'lsa, nazorat ishlarining natijalariga o'zgartirish kiritish.

Appellatsiya shikoyatini ko'rishda o'quvchining nazorat ishlari natijasida olgan ballini pasaytirishga yo'l qo'yilmaydi.

36. Appellatsiya komissiyasi appellatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan o'quvchiga o'z qarorini u qabul qilingan kunning o'zida ma'lum qilishi kerak.

37. Kasalligi yoki boshqa hujjat bilan tasdiqlangan uzrli sabablar tufayli (kasalligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, O'zbekiston Respublikasidan tashqarida bo'lishi sababli) oraliq va (yoki) yakuniy nazorat turlarida belgilangan muddatda ishtiroy etmagan o'quvchiga mas'ul xodim tomonidan ushbu holatlarga aniqlik kiritgan holda va asoslantiruvchi hujjatlar mavjud bo'lganda direktorning o'quv ishlari bo'yicha o'rinnbosari tomonidan tasdiqlangan jadval asosida nazorat turlarini qayta topshirishga ruxsat beriladi.

38. Nazorat turining natijalari bo'yicha o'quvchi 56 baldan kam to'plagan hollarda u nazorat turidan o'tmagan deb hisoblanadi.

39. Nazorat turini topshira olmagan o'quvchiga uning natijasi e'lon qilingan kundan boshlab bir hafta ichida qayta topshirish uchun imkoniyat beriladi.

4-bob. Nazoratning xolisligini ta'minlash

40. Nazorat turlarini o'tkazishda baholarning xolisligini ta'minlash maqsadida o'quvchilar tomonidan bajarilgan yozma ishlari, test sinovlari elektron ta'lif platformasi orqali topshirilganida avtomatik ravishda identifikatsiya kodlari berish yo'li bilan shifrlanadi.

41. O'quv-metodik bo'limi elektron ta'lif platformasiga o'quv yuklamasidan kelib chiqib, fanlar bo'yicha oraliq, yakuniy nazorat ishlarini tekshirishi mumkin bo'lgan pedagog xodimlar ro'yxatini kiritadi.

42. Elektron ta'lif platformasi tomonidan identifikatsiya kodlari berish yo'li bilan shifrlangan ishlar avtomatik ravishda tegishli pedagog xodimlarga tekshirish uchun yuboriladi.

43. Yozma shakldagi oraliq, yakuniy nazorat ishlarini tekshirishda ishtirok etgan pedagog xodimlar tomonidan o'quv mashg'ulotlari vaqtida o'quvchilar uchun yakuniy nazorat ishlarida ko'p uchragan xatolar to'g'risida tushuntirish beriladi hamda mazkur xatolar umumlashtirilib, o'quvchilarga yetkaziladi.

44. O'quv-metodik bo'limi tomonidan oraliq va yakuniy nazorat natijalari asosida elektron ta'lif platformasida o'quvchilarning familiyasi, ismi, otasining ismi identifikatsiya qilingan holda jamlovchi elektron reyting qaydnomasi shakllantiriladi.

Jamlovchi elektron reyting qaydnomasida noto'g'ri qayd qilingan hollar aniqlanganda, elektron ta'lif platformasiga ishlarni tekshirish va baholarni kiritishga mas'ul bo'lgan pedagog xodim javobgar bo'лади.

Agar oraliq va yakuniy nazorat ishlari natijasi jamlovchi reyting qaydnomasida noto'g'ri aks ettirilgan bo'lsa, O'quv-metodik bo'limining jamlovchi reyting qaydnomasini tuzishga mas'ul bo'lgan xodimi, shuningdek O'quv-metodik bo'limi boshlig'i javobgar bo'лади.

45. Oraliq va yakuniy nazorat ishlari reyting qaydnomasida to'g'ri aks etishini monitoring qilish uchun akademik litseyning Kengashi o'z qarori bilan jamlovchi reyting qaydnomasini haqiqiy ballarga mos kelishini qayta tekshirish tashabbusi bilan chiqishi mumkin.

46. O'quv-metodik bo'limi boshlig'i oraliq va yakuniy nazorat natijasi bo'yicha reyting qaydnomalarini ko'rib chiqib, ko'p miqdorda past o'zlashtirish reyting balli ishlarni aniqlasa, bu haqda direktorning o'quv ishlari bo'yicha o'rinnbosarini xabardor qiladi. Bunda, zaruriyatga ko'ra direktor tegishli buyruq qabul qilishi va tashkil etiladigan ekspertlar guruhi tomonidan yozma ishlarni qayta tekshirtirilishini amalga oshirishi mumkin.

47. Ekspertlar guruhining xulosasi rasmiylashtirilgunga qadar oraliq va yakuniy nazorat natijalari yakuniy emas deb hisoblanadi va o'quvchilarga e'lon qilinishi mumkin emas. Xulosa rasmiylashtirilgunga qadar natijalar maxfiyligi uchun O'quv-metodik bo'limi javobgar hisoblanadi.

48. O'quvchilar nazorat turlari bo'yicha olgan baholarini hamda pedagog

xodim tomonidan yozilgan taqrizlarni elektron ta'lif platformasi orqali kuzatib boradi.

5-bob. Yakuniy qoida

49. Ushbu Nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga asosan javob beradi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

**237 Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik
litseylarda yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish tartibi
to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
10-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3528*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 2-iyundagi 347-sod "Toshkent davlat yuridik universitetida kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylarda yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ushbu buyruq O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2024-yil 10-iyul,
15-mh-son

Kelishildi:

*Oliy ta'lim, fan va
innovatsiyalar vaziri*

K. SHARIPOV

2024-yil 25-iyun

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 11-iyulda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2024-yil 10-iyuldaggi
15-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik
litseylarda yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish
tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom Toshkent davlat yuridik universiteti (bundan buyon matnda TDYU deb yuritiladi) huzuridagi akademik litseylarda (bundan buyon matnda akademik litseylar deb yuritiladi) yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

yakuniy davlat attestatsiyasi — o'quvchilarning bilim, malaka va ulardan foydalanish ko'nikmasi darajasini davlat ta'lif standartlari talablariga muvofiqligini kompleks baholash orqali o'quvchilarga akademik litseyni tugatganligi to'g'risida diplomni berish masalasini hal etuvchi ta'lif sifatini nazorat qilishning turi;

yakuniy davlat attestatsiyasi komissiyasi (bundan buyon matnda komissiya deb yuritiladi) — tegishli mutaxassisliklar bo'yicha tashkil etiladigan yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish uchun akademik litsey xodimlari hamda TDYU vakillaridan iborat komissiya;

yakuniy davlat attestatsiya sinovlari (bundan buyon matnda attestatsiya sinovlari deb yuritiladi) — akademik litsey o'quv rejasidagi tegishli fanlar majmui.

2. Quyidagilar yakuniy davlat attestatsiyasining asosiy vazifalari hisoblanadi:

o'quvchilarning tegishli fanlar bo'yicha bilim va ulardan foydalanish ko'nikmasi darajasini davlat ta'lif standartlari talablariga muvofiqligini kompleks baholash;

attestatsiya sinovlari yakuni bo'yicha akademik litseyni tugatganligi to'g'risida o'quvchiga davlat tomonidan tasdiqlangan namunadagi ta'lif to'g'risidagi hujjat (diplom) berish masalasini hal etish.

2-bob. Komissiyani shakllantirish tartibi

3. Komissiya a'zolari tarkibi kamida 7 kishidan iborat bo'lib, uning uchdan ikki qismi qatnashgan taqdirda komissiya vakolatli hisoblanadi.

Attestatsiya sinovlarini topshirishga tavsiya etilgan har bir fan bo'yicha alohida komissiya tuzilishi mumkin.

Komissiya a'zolari tarkibining kamida o'ttiz foizini TDYU professor-o'qituvchilari tashkil etishi lozim.

TDYU prorektori — akademik litsey direktori (bundan buyon matnda direktor deb yuritiladi) komissiya tarkibini shakllantirish jarayonida manfaatlar to'qnashuvini oldini olish yoki uni bartaraf etish yuzasidan o'z vaqtida choralar ko'rishi shart.

4. Komissiya raisi yakuniy davlat attestatsiya boshlanishidan kamida bir oy oldin TDYU rektorining, komissiya a'zolari esa direktor buyrug'i bilan tayinlanadi.

5. Komissiya raisi akademik litseyda ishlamaydigan mutaxassis bo'lishi lozim. Bir shaxs ketma-ket akademik litseyda ikki martadan ortiq komissiya raisi bo'lishi mumkin emas.

Komissiya a'zosi akademik litsey o'quvchilariga o'zaro yaqin qarindosh yoki quda-anda bo'lgan shaxslarning (ota-on, aka-ukalar, opa-singillar, o'g'illar, qizlar, er-xotin, shuningdek er-xotinning ota-onasi, aka-ukalari, opa-singillari va farzandlari), basharti ulardan birining ikkinchisiga bevosita bo'ysunishiga yoki uning nazorati ostida bo'lishiga bog'liq bo'lsa, shuningdek manfaatlar to'qnashuvi yuzaga kelgan taqdirda, yakuniy davlat attestatsiyasida ishtirok etishiga yo'il qo'yilmaydi.

6. Komissiya o'z faoliyatini mazkur Nizom va o'quvchilarning tayyorgarlik darajasi hamda ta'lif mazmuniga qo'yilgan davlat ta'lif standartlari talablarini bajarishga yo'naltirilgan boshqa qonunchilik hujjatlariga tayangan holda olib boradi.

7. Yakuniy davlat attestatsiyasida fuqarolarni o'zini-o'zi boshqarish organlari va ota-onalar vakillari jamoatchilik asosida kuzatuvchi sifatida qatnashishi mumkin.

8. Komissiya har yili yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish davridan boshlab keyingi o'quv yili boshlangunga qadar faoliyat ko'rsatadi.

9. Ijrochi direktor va direktor o'rinnbosarlari yakuniy davlat attestatsiyasini o'z vaqtida va sifatli o'tkazishga hamda komissiyaning ishlashi uchun zarur sharoitlarni yaratishga mas'ul hisoblanadi.

3-bob. Yakuniy davlat attestatsiyasini tashkil etish

10. Yakuniy davlat attestatsiyasiga tegishli o'quv rejalarini va o'quv dasturlarini to'liq tugatgan va o'quv rejasida nazarda tutilgan barcha sinovlardan muvaffaqiyatli o'tgan o'quvchilar qo'yildi.

11. Attestatsiya sinovlarini topshirishga tavsiya etiladigan fanlar ro'yxati va o'tkazish shakllari TDYU Kengashi tomonidan belgilanadi.

12. Attestatsiya sinovlarining tarkibiy qismlari va ularni o'tkazish muddatlari o'quv rejada belgilanadi.

13. Yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish jadvali ijrochi direktor tomonidan yakuniy davlat attestatsiyasi boshlanishidan kamida o'ttiz kun oldin tasdiqlanadi.

14. Attestatsiya sinovlarining namunaviy savol va topshiriqlari mazmuni, hajmi va murakkablik darajasi tegishli fanning davlat ta'lif standartiga muvofiq o'quv dasturida nazarda tutilgan materiallarni o'quvchi tomonidan o'zlashtirilganlik darajasini aniqlashga yo'naltirilgan bo'lishi shart.

15. Attestatsiya sinovlarini o'tkazish shakli to'g'risidagi ma'lumot yakuniy davlat attestatsiyasi boshlanishidan 6 oy oldin o'quvchilar e'tiboriga yetkaziladi.

Chet tili (ingliz tili) fani bo'yicha kamida B2 darajadagi milliy yoki unga tenglashtirilgan mos darajadagi xalqaro tan olingan sertifikatga hamda umumta'lim

fanini biliш darajasi to‘g‘risidagi sertifikat ega bo‘lgan o‘quvchilar attestatsiya sinovlarini topshirishda tegishli fandan ozod etiladi.

16. Attestatsiya sinovlarining savollari o‘quv dasturlar mazmunini to‘liq qamrab olgan holda akademik litseyning o‘qituvchilari tomonidan shakllantiriladi. Savollar attestatsiya sinovlaridan 6 oy oldin ekspertizadan o‘tkazish uchun TDYUga taqdim etiladi. TDYU tomonidan savollar ular taqdim etilgan kundan e’tiboran 20 ish kuni davomida ekspertizadan o‘tkaziladi va tegishli ekspertiza xulosalari akademik litseyga yuboriladi.

17. Attestatsiya sinovlarining savollari o‘quv dasturlari doirasida tuzilishi hamda attestatsiya sinovlari boshlanishidan kamida 1 oy oldin o‘quvchilarning e’tiboriga yetkazilishi lozim.

18. Direktoring o‘quv ishlari bo‘yicha o‘rinbosari o‘quvchilar sonidan kelib chiqib attestatsiya sinovlarining savollari variantlarini tuzadi va ularning oshkor etilmasligini ta’minlaydi.

19. Attestatsiya sinovlarini o‘tkazish jarayoni videotasvirga olish orqali amalga oshiriladi. Attestatsiya sinovlarining yuqori darajada ochiqlik va shaffofigini ta’milash maqsadida ushbu jarayon videokuzatuvalr orqali jamoatchilik, shu jumladan o‘quvchilarning ota-onalari tomonidan real vaqt rejimida (onlayn) kuzatib borish imkoniyati yaratiladi.

20. Attestatsiya sinovlariga mobil aloqa vositalari, kompyuter yoki boshqa aloqa va telekommunikatsiya vositalari, kitoblar, lug‘at, shpargalkalar va boshqa materiallar olib kirgan, attestatsiya sinovlari jarayonida ulardan foydalangan o‘quvchilar attestatsiya sinovlari o‘tkazish tartibini buzgan hisoblanadi.

Belgilangan tartibni buzgan o‘quvchilar attestatsiya sinovlaridan chetlashtiriladi hamda komissiya a’zolari tomonidan yakuniy davlat attestatsiyasidan chetlashtirish bo‘yicha ushbu Nizomga ilovada ko‘rsatilgan shaklda dalolatnomaga rasmiylashtiriladi.

21. Attestatsiya sinovlari natijalari ballar qo‘yish yo‘li bilan 100 ballik tizimda baholanadi.

Komissiya tomonidan attestatsiya sinovlari natijalariga ko‘ra topshiriqlarning 86 — 100 foizi to‘g‘ri bajarilgan bo‘lsa “a’lo”, 71 — 85 foizi to‘g‘ri bajarilsa “yaxshi”, 56 — 70 foizi to‘g‘ri bajarilsa “qoniqarli” baholanadi.

Attestatsiya sinovlari natijalari bo‘yicha o‘quvchi 55 va undan kam ball to‘plagan hollarda “qoniqarsiz” baholangan deb hisoblanadi.

22. Komissiyaning qarorlari ochiq ovoz berish yo‘li bilan, yig‘ilishda ishtirok etuvchilarning ko‘pchilik ovozi bilan qabul qilinadi. Ovozlar teng bo‘lgan holda, Komissiya raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi.

23. Attestatsiya sinovlari natijalari shu kunning o‘zida e’lon qilinadi va komissiyaning barcha a’zolari tomonidan imzolanadigan, Komissiya raisi tomonidan tasdiqlanadigan yig‘ilish bayonnomasida qayd etiladi.

24. O‘quvchi attestatsiya sinovlarining barchasidan muvaffaqiyatli o‘tgandan so‘ng unga akademik litseyni tugatganligi to‘g‘risida davlat tomonidan tasdiqlangan namunadagi ta’lim to‘g‘risidagi hujjat (diplom) beriladi.

O‘quv dasturlarini o‘zlashtirishda o‘quv rejasidagi barcha fanlarning kamida 4/5 qismi bo‘yicha 86 ball va undan yuqori o‘zlashtirish ko‘rsatkichlariga erishgan

(boshqa fanlar bo'yicha o'zlashtirish ko'rsatkichi 71 balдан kam bo'limgan), shuningdek attestatsiya sinovlarining har biri bo'yicha kamida 86 ball o'zlashtirish ko'rsatkichlariga ega bo'lgan o'quvchilarga "imtiyozli" diplom beriladi.

25. Attestatsiya sinovlarining biridan "qoniqarsiz" baholangan yoki uzrli sabablarga (kasalligi, yaqin qarindoshlarining vafoti, O'zbekiston Respublikasidan tashqarida bo'lishi sababli) ko'ra attestatsiya sinovlarida ishtirok etmagan o'quvchi boshqa attestatsiya sinovlarini topshirish huquqidан mahrum etilmaydi.

26. Uzrli sabablarga ko'ra attestatsiya sinovlarida qatnasha olmagan o'quvchilar direktor buyrug'i bilan komissiya ishi yakunlanishiga qadar boshqa muddatlarda o'tkaziladigan attestatsiya sinovlariga kiritiladi.

27. Akademik litseyning davlat ta'lif standartlariga muvofiq o'quv dasturini bajargan, biroq yakuniy davlat attestatsiyasida ishtirok etmagan yoki unda "qoniqarsiz" baholangan o'quvchilar o'qish muddati tugagandan so'ng, 3 yil ichida arizasiga muvofiq tegishli sinovni qayta topshirish huquqiga ega.

Bunda, direktor shaxsni yakuniy davlat attestatsiyasini qayta topshirishga qo'yish haqida buyruq chiqaradi.

Muddatli harbiy xizmatda bo'lgan vaqt, 3 yoshga to'lgunga qadar bolani parvarishlash uchun beriladigan ta'til vaqtini mazkur uch yillik muddatga kirmaydi.

28. Attestatsiya sinovlarini qayta topshirish muddatida attestatsiya sinovlaridan 3 yil ichida ham o'ta olmagan yoki attestatsiya sinovlarini qayta topshirish uchun murojaat qilmagan shaxsga akademik ma'lumotnomma beriladi.

4-bob. Attestatsiya sinovlari natijalarini apellyatsiya tartibida ko'rib chiqish

29. O'quvchilarning apellyatsiya shikoyatlarini ko'rib chiqish uchun direktor buyrug'i bilan kamida besh nafar mutaxassislaridan iborat tarkibda Apellyatsiya komissiyasi tashkil etiladi.

Attestatsiya sinovlarini o'tkazishga mas'ul bo'lgan shaxslarning Apellyatsiya komissiyasi tarkibiga kiritilishiga yo'l qo'yilmaydi.

30. Attestatsiya sinovlarining qaroridan norozi bo'lgan o'quvchilar attestatsiya natijalari e'lon qilingan kundan boshlab o'n besh kun ichida Apellyatsiya komissiyasiga yozma yoki elektron shaklda apellyatsiya shikoyati berishlari mumkin.

Bunda, Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan o'quvchini shikoyat ko'rib chiqilishidan 2 kun oldin uni ko'rib chiqish vaqtini va joyi haqida ogohlantiradi.

31. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyatini, u kelib tushgan kundan boshlab 3 kun muddat ichida ko'rib chiqadi. Bunda, apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan o'quvchi mazkur shikoyatni ko'rib chiqishda ishtirok etish huquqiga ega.

32. Apellyatsiya komissiyasi unda a'zolarning kamida uchdan ikki qismi ishtirok etganda vakolatli hisoblanadi. Apellyatsiya komissiyasining qarori oddiy ko'pchilik ovoz bilan qabul qilinadi va majlisda ishtirok etgan barcha a'zolar tomonidan tasdiqlanadigan bayonnomaga bilan rasmiylashtiriladi.

33. Apellyatsiya komissiyasi attestatsiya sinovlari jarayonida o'quvchining

bergan javoblarini ular aks etgan videotasvirlarni ko‘rish orqali tekshiruvdan o‘tkazadi. Apellyatsiya komissiyasi tomonidan apellyatsiya shikoyatini ko‘rib chiqish davomida o‘quvchiga uni qayta baholashga qaratilgan savollar berilishiga yo‘l qo‘yilmaydi.

34. Shikoyatni ko‘rib chiqish natijalari bo‘yicha Apellyatsiya komissiyasi tomonidan quyidagi qarorlardan biri qabul qilinadi:

attestatsiya sinovlarining natijalarini o‘zgarishsiz qoldirish;

attestatsiya sinovlarining natijalariga o‘zgartirish kiritish.

Apellyatsiya shikoyatini ko‘rishiда o‘quvchining attestatsiya sinovlari natijasida olgan ballini pasaytirishga yo‘l qo‘yilmaydi.

35. Apellyatsiya komissiyasi apellyatsiya shikoyati bilan murojaat qilgan o‘quvchiga o‘z qarorini u qabul qilingan kunning o‘zida ma’lum qilishi kerak.

36. Apellyatsiya komissiyasining attestatsiya natijalariga o‘zgartirish kiritish va o‘quvchini attestatsiya sinovlarini muvaffaqiyatli topshirgan deb topish to‘g‘risidagi qarori asosida o‘quvchiga davlat tomonidan tasdiqlangan namunadagi ta’lim to‘g‘risidagi hujjat (diplom) beriladi.

37. Apellyatsiya komissiyasi qarori ustidan o‘quvchi yuqori turuvchi organga yoki sudga shikoyat qilishi mumkin.

5-bob. Yakuniy qoida

38. Ushbu Nizom talablari buzilishida aybdor bo‘lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javob beradi.

Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi
akademik litseylarda yakuniy davlat
attestatsiyasini o'tkazish tartibi
to'g'risidagi nizomga
ILOVA

**Yakuniy davlat attestatsiyasidan chetlashtirish haqidagi
DALOLATNOMA**

_____ sh.

“___” ____ 20____ yil

Biz, quyida imzo chekuvchilar shuni tasdiqlaymizki, o'quvchi _____

(F.I.O.)

quyidagi sabablarga ko'ra yakuniy davlat attestatsiyasidan chetlashtirildi:

taqiqlangan vositalardan (uyali telefon, kompyuter hamda boshqa aloqa va telekommunikatsiya vositalari, lug'at, kitob, shpargalka) foydalangan;

taqiqlangan vositalarni (uyali telefon, kompyuter hamda boshqa aloqa va telekommunikatsiya vositalari, lug'at, kitob, shpargalka) olib kirgan.

(nizomda ko'zda tutilgan boshqa holatlar)

O'quvchi tomonidan _____
_____ talablari buzilgan.

1. Komissiya raisi _____
(F.I.O.)

(imzo)

2. Komissiya a'zosi _____
(F.I.O.)

(imzo)

3. Komissiya a'zosi _____
(F.I.O.)

(imzo)

Izoh: ushbu dalolatnoma yakuniy davlat attestatsiyasi hujjatlariga tikib qo'yiladi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

238 Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик хужжатла-
ри талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан хulosа бе-
риш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3529*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ-80-сон «Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан хulosа бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТАШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 10 июль,
16-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2024 йил 10 июлдаги
16-мҳ-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари
талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан хulosса бериш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан бўён матнда Адлия вазирлиги деб юритилади) томонидан интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан хulosса (бундан бўён матнда хulosса деб юритилади) бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши процессуал қонунчилик билан тартибга солинадиган фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий суд ишлари ва маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича мутахассис фикри ва эксперт хulosасини беришга нисбатан татбик этилмайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда кўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқ обьектлари — фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

саноат мулки обьектлари — ихтиrolар, фойдални моделилар, саноат намуналари, селекция ютуклари, товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), товар келиб чиқсан жой номлари, географик кўрсаткичлар, фирма номлари.

2. Хulosса давлат органларининг инсофисиз рақобатни, интеллектуал мулк обьектларининг контрафакт нусхаларини, интеллектуал мулк обьектларидан ноқонуний фойдаланганлик ҳолатларини аниқлашга қаратилган сўровига асосан Адлия вазирлиги томонидан берилади.

3. Давлат органининг хulosса бериш ҳақидаги сўрови Адлия вазирлигига келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда кўриб чиқилади.

**2-боб. Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик
ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан ўрганиш
ўтказиш ва хulosани расмийлаштириш**

4. Давлат органи муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқ обьектлари ҳамда саноат мулки обьектлари (бундан бўён матнда интеллектуал мулк обьектлари деб юритилади) бўйича интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун-

чилик хужжатлари талаблари бузилиши ҳолати мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида Адлия вазирлигига ёзма ёки электрон шаклда сўров юборади.

Сўровда интеллектуал мулк обьектлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

5. Сўровга қўйидагилар илова қилинади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (агар мавжуд бўлса);

давлат органи томонидан интеллектуал мулк обьектларини ҳимоя қилиш чораларини кўришда тўплланган хужжатлар нусхалари;

ўрганиш обьект(лар)ининг намунаси, нусхаси, чизмаси, аудио ёзуви фото ва видео тасвирлари;

муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқ обьектларининг яратилиш фактини тасдиқловчи материаллар (нусхаси, чизмаси, аудио ёзуви, фото ва видео тасвирлари ҳамда бошқалар);

интеллектуал мулк обьектларига бўлган хуқуqlарни бошқа шахсга ўтказиш ёки ундан фойдаланиш фактини тасдиқловчи шартнома, суд қарори, мерос гувоҳномаси ва бошқа хужжатлар;

интеллектуал мулк хукуқи бузилиши ҳолатини тасдиқловчи далиллар (аудио ёзуви, фото ва видео тасвирлари ҳамда бошқалар).

6. Сўров Адлия вазирлигига келиб тушгандан сўнг, интеллектуал мулк обьектларига оид қонунчилик талаблари бузилган ёки бузилмаганлигини ўрганиш учун вазирликнинг Интеллектуал мулкни хукуқий ҳимоя қилиш бошқармасига юборилади.

7. Давлат органи томонидан мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган хужжат ва маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса, Адлия вазирлиги томонидан давлат органига камчиликларни бартараф этиб, қайта сўров юбориш мумкинлиги тўғрисида ушбу сўров келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичida ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

8. Давлат органи томонидан мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган хужжат ва маълумотлар тўлиқ тақдим этилган бўлса, Адлия вазирлиги Интеллектуал мулкни хукуқий ҳимоя қилиш бошқармасининг масъул ходими томонидан давлат органининг сўрови бўйича қўйидагилар кўриб чиқилади:

ўрганиш обьект(лар)ининг қонунчилик хужжатлари бўйича интеллектуал мулк обьекти сифатида ҳимоя қилиниши ёки қилинмаслиги;

муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқ обьектларининг яратилиш фактини тасдиқловчи материаллар (нусхаси, чизмаси, аудио ёзуви, фото ва видео тасвирлари ҳамда бошқалар);

интеллектуал мулк обьектларига бўлган хуқуqlарни бошқа шахсга ўтказиш ёки ундан фойдаланиш фактини тасдиқловчи шартнома, суд қарори, мерос гувоҳномаси ва бошқа хужжатлар;

ўрганиш обьект(лар)и саноат мулки обьекти ҳисобланганда, унинг муҳофазага эга саноат мулки обьекти билан айнан бир хил ёки унга адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги;

интеллектуал мулк хукуқи бузилиши ҳолатини тасдиқловчи далиллар (аудио ёзуви, фото ва видео тасвирлари ҳамда бошқалар).

9. Ўрганиш обьекти саноат мулки обьекти ҳисобланганда, у муҳоф-

зага эга саноат мулки объекти билан тегишли саноат мулки объектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш регламентларида белгиланган талаблар асосида таққосланади ва ўрганиб чиқилади.

10. Адлия вазирлиги сўровни кўриб чиқиши жараёнида:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан хужжат ҳамда маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларини, шунингдек интеллектуал мулк масалалари бўйича жисмоний шахсларни чақириш, қонунчилик хужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

давлат органларидан ўрганиш обьект(лар)ини жойига чиқсан ҳолда ўрганишнинг ташкил этилишини сўраш ва жойига чиқсан ҳолда ўрганиш;

зарур билим ва малакага эга мутахассисларни жалб қилиш хукуқларига эга.

11. Қўйидаги ҳолларда ўрганиш ўтказилмайди ва хulosса бериш рад этилади:

сўров юборган давлат органининг сўровни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги мурожаати келиб тушганда;

давлат органининг сўровида интеллектуал мулк объекти ҳисобланмайдиган обьектлар ёки мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича хulosса бериш сўралганда;

фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида махсус билимлар асосида аниқланадиган масалалар бўйича хulosса бериш сўралганда.

12. Масъул ходим томонидан ўрганиш натижаларига кўра интеллектуал мулк обьектларига оид қонунчилик хужжатлари бузилганлиги ёки бузилмаганилиги юзасидан якуний хulosса тайёрланади.

13. Хulosада қўйидагилар кўрсатилади:

ўрганиш ўтказиш жойи ва вақти;

давлат органининг сўрови тўғрисидаги маълумотлар;

ўрганиш ўтказиш учун асос бўлган норматив-хукуқий хужжатлар;

хукуқбузарлик ҳолати аниқланган ёки аниқланмаганлиги.

14. Хulosса масъул ходим, таркибий бўлинмалар раҳбари томонидан имзоланади.

15. Адлия вазирлиги томонидан интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан хulosса тақдим этилган ўрганиш обьект(лар)и нусхалари (чизмалар, аудио ёзув, фото ва видео тасвирлар ва бошқалар (агар мавжуд бўлса) билан биргаликда давлат органига юборилади.

16. Хulosага тартиб рақам бериш ва уларнинг ҳисобини юритиш Адлия вазирлигининг электрон ахборот алмашинув тизими орқали амалга оширилади.

3-боб. Якуний қоида

17. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

239 Ўёл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 58-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-8*

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-884-сон «Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 31 майдаги 68-сон буйруги (рўйхат рақами 2240, 2011 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 27-сон, 286-модда) билан тасдиқланган Ўёл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 58-банди иккинчи хатбоисидан «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг қарори устидан эса апелляция инстанцияси судига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 июнь,
186-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 12 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

240

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3530*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

1. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 14 июнь,
131-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 13 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
14 июнданги 131-сон бўйруғига
1-ИЛОВА

**Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун
КОНЦЕПТУАЛ АСОС**

1-боб. Концептуал асосларнинг мақсади ва мақоми

1. Мазкур Концептуал асос Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш асосини ташкил этувчи тушунчаларни белгилаб беради.

Мазкур Концептуал асоснинг мақсади қўйидагиларга ёрдам беришдан иборат:

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот тизимини тартибга солувчи давлат органи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги — бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини (бундан буён матнда БХМС деб юритилади) ривожлантириш ва уларни қайта кўриб чиқишида;

молиявий ҳисоботни тайёрловчи шахсларга — БХМСдан фойдаланишида;
аудиторларга — молиявий ҳисоботларни БХМСга мувофиқлиги бўйича хулосаларни тайёрлашда;

молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга — молиявий ҳисбодаги маълумотларни таҳлил қилишида.

2. Мазкур Концептуал асос БХМС ҳисобланмайди ва унинг таърифлари бирон-бир низоли масалани баҳолаш ёки тушунтириш учун ишлатилмайди. Мазкур Концептуал асосдаги қоидалар бухгалтерия ҳисобининг алоҳида бир стандартини рад этмайди.

3. Мазкур Концептуал асос ва БХМС ўртасида зиддиятлар юзага келгандар, БХМС талаблари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги БХМСни ишлаб чиқишида мазкур Концептуал асосдан фойдаланади ва келгусида зиддиятлар юзага келишининг олдини олиш чораларини кўради.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги БХМСларни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, мазкур Концептуал асосни қайта кўриб чиқиши мумкин.

2-боб. Концептуал асосларнинг амал қилиш соҳаси

5. Қўйидагилар мазкур Концептуал асосларнинг асосий жиҳатлариидир:
молиявий ҳисоботнинг мақсади;
бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот принциплари;
молиявий ҳисоботларнинг элементларини таърифлаш, тан олиш ва баҳолаш.

6. Мазкур Концептуал асос молиявий ҳисбогта, шу жумладан консо-

лидациялашган молиявий ҳисоботга алоқадордир. Молиявий ҳисобот кенг доирадаги фойдаланувчиларнинг маълумотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун тузилади ва даврий равишда тақдим этилади. Кўпчилик фойдаланувчилар учун молиявий маълумот асосий манбаси бўлиб молиявий ҳисобот ҳисобланади. Айрим фойдаланувчилар тегишли ваколатлар бўлганда, молиявий ҳисоботдаги маълумотга қўшимча маълумотни талаб қилишлари мумкин.

7. Молиявий ҳисоботлар БХМС билан белгиланади. Молиявий ҳисобот ушбу ҳисоботларга асосланган ёки уларга тегишли изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни ҳам ўз ичига олади. Мазкур изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар молиявий ҳисоботни тайёрловчи фаолияти турлари ҳамда худуди тўғрисидаги молиявий маълумотни акс эттириши ва нархлар ўзгаришининг молиявий натижаларга таъсирини тушунтириб бериши керак.

8. Барча хўжалик юритувчи субъектлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишда мазкур Концептуал асосга амал қилишлари керак.

3-боб. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ва уларнинг маълумотга бўлган эҳтиёжи

9. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қаторига мавжуд ва потенциал инвесторлар, кредиторлар, етказиб берувчилар, харидорлар, ходимлар, шунингдек ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар киради. Молиявий ҳисоботга эҳтиёж қўйидагиларда вужудга келади:

инвестициялар билан боғлиқ хатарлар муносабати билан инвесторларда. Акциядорлар ҳам ташкилотнинг дивидендларни тўлаш қобилиятини баҳолашга имкон берадиган ва акцияларни сотиб олиш, сақлаш ёки сотиш кераклигини аниқлашга ёрдам берадиган маълумотдан манфаатдордирлар;

кредитлари ва фоизлари ўз вақтида тўланишини аниқлашга имкон берадиган маълумотдан манфаатдор кредиторларда;

суммалари ўз вақтида тўланишини аниқлашга имкон берадиган маълумотдан манфаатдор бўлган етказиб берувчилар ва бошқа кредиторларда;

ташкилотнинг узлуксиз фаолияти тўғрисидаги маълумотдан манфаатдор бўлган харидорларда, айниқса улар узоқ муддатли битимга эга бўлсалар ёки мазкур ташкилотга боғлиқ бўлсалар;

ташкилотларнинг фаолияти барқарорлиги ва рентабеллиги тўғрисидаги маълумотдан манфаатдор бўлган ходимларда. Улар ҳам ташкилотнинг ўз иш ҳақларини, пенсияларини ва кейинчалик ҳам ишлаш имкониятларини таъминлаш қобилиятига баҳо бериш имконини яратадиган маълумотдан манфаатдордирлар;

ресурсларнинг тақсимланиши ва ташкилотларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотдан манфаатдор бўлган давлат органларида. Уларга ҳам ташкилотнинг фаолиятини тартибга солиб туриш, солиқка тортиш сиёсатини белгилаш учун ва миллий даромадни ҳамда бошқа статистик маълумотларни аниқлаш учун асос сифатида маълумот керак;

жамоатчиликда, чунки ташкилотлар маҳаллий иқтисодиётга кўпгина

усуллар билан, шу жумладан ахолини иш билан таъминлаш ва маҳаллий етказиб берувчиларни қўллаб-қувватлаш билан катта хисса қўшиши мумкин. Молиявий ҳисбот жамоатчиликни тараққиёт йўналишлари ва ташкилотларнинг фаровонлигини яхшилашда эришилган сўнгги ютуқлар тўғрисидаги маълумот билан таъминлаб, уларга ёрдам беради.

10. Ташкилот раҳбари молиявий ҳисботнинг тузилиши ва тақдим этилиши учун жавобгардир. Ташкилот раҳбари ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида қўшимча маълумотнинг шакли ва мазмунини белгилаш ҳуқуқига эгадир. Қўшимча маълумот шакллари мазкур Концептуал асосни қўллаш доирасига кирмайди.

4-боб. Молиявий ҳисботнинг мақсади

11. Молиявий ҳисботнинг мақсади ташкилотнинг ҳисбот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисбот давридаги унинг фаолиятини молиявий натижаси ва пул маблағларининг харакати тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш ҳисобланади. Молиявий ҳисбот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган барча маълумотни ўз ичига олмайди, чунки ҳисбот асосан аввалги воқеаларнинг натижаларини акс эттиради.

12. Молиявий ҳисбот қўйидаги ҳолатлар учун ҳам маълумотни ўзида акс эттиради:

- инвестиция ва кредитлар бериш бўйича қарорларни қабул қилиш;
- ташкилотнинг келгуси пул оқимини баҳолаш;
- ташкилотга ишониб топширилган ресурслар муносабати билан унинг ресурсларини ва мажбуриятларини баҳолаш;
- бошқарув органларининг ишини баҳолаш.

5-боб. Ташкилотнинг фаолияти, молиявий ҳолати ва молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар

13. Молиявий ҳисботдан фойдаланувчилар қабул қиласиган қарорлар ташкилотнинг пул маблағларини қўпайтириш, уларнинг қўпайиш вақтини ҳисоб-китоб қилиш ва натижага эришишини баҳолаш қобилиятини талаб қиласи. Мазкур қобилият пировард натижада ташкилот ўз ходимлари ва етказиб берувчиларга ҳақ тўлай олиши, фоизларни тўлаб туриши, кредитларни қоплаши ва даромадни (фойдани) тақсимлай олиши мумкинлигини аниқлайди.

Агар фойдаланувчилар ташкилотнинг фаолиятини, молиявий ҳолатини ва молиявий ҳолатдаги ўзгаришларни акс эттирадиган маълумот билан таъминланса, улар ташкилотнинг пул маблағларини қўпайтириш қобилиятини яхшироқ баҳолашлари мумкин.

14. Ташкилот назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар, унинг молиявий тузилмаси, ликвидлиги, тўловга қобилияти, ишлатётган мухит ўзгаришларига муносабат билдира олиши унинг молиявий ҳолатига таъсир ўтказади. Ташкилот назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар ҳақидаги ва унинг шу ресурсларни қайта ишлаш қобилияти тўғрисидаги маълумот-

лар ташкилотнинг келгусида пул маблағларини ва уларнинг эквивалентини кўпайтириш имкониятини прогноз қилиш учун зарурдир. Молиявий ҳолат хақидаги маълумот келгусида кредитларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, шунингдек келгусидаги даромадлар ва пул оқимларини ташкилотнинг акцияларига (пайига) эга бўлганлар ўртасида тақсимлаш ва ташкилот кейинчалик ўзининг молиявий ҳолатини қанчалик муваффақият билан яхшилай олишини аниқлаш учун зарурдир. Ликвидлик ва тўловга қобилият хақидаги маълумот ташкилотнинг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олишини аниқлаш учун зарур. Ликвидлик яқин келажакда шу давр ичидаги молиявий мажбуриятларни тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини англатади. Тўлов қобилияти молиявий мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини англатади.

15. Ташкилотнинг фаолият кўрсаткичлари, шу жумладан унинг рентабеллиги тўғрисидаги маълумот иқтисодий ресурслардаги потенциал ўзгаришларни баҳолаш учун талаб этилади. Мазкур маълумот келгусида назоратни амалга оширишга имкон беради ва ташкилотнинг фаолиятидаги ўзгаришлар хақидаги муҳим маълумот ҳисобланади.

Фаолият хақидаги маълумот ташкилотнинг мавжуд ресурслар базасидан пул маблағлари тўплай олишини прогнозлаш учун зарурдир, бу эса ташкилот қўшимча ресурсларни жалб қилиши мумкин бўлган самарадорликка баҳо беришни шакллантиришда муҳимdir.

16. Пул оқимлари хақидаги маълумот ташкилотнинг пул маблағларини жалб қилиш қобилиятига баҳо бериш учун зарурдир. Бу эса фойдаланувчиларга ҳар хил ташкилотларнинг пул оқимларини баҳолаш ва таққослаш учун янги усууллар ишлаб чиқишига имкон беради.

17. Молиявий ҳисоботлар ўзаро бир-бiri билан боғлангандир, чунки улар хўжалик фаолиятига доир бир хил ҳолатларнинг ҳар хил жиҳатларини акс эттиради. Ҳар бир ҳисобот турли хил маълумотларни тақдим этади, битта мақсадга хизмат қилмайди ва фойдаланувчиларнинг муайян эҳтиёжларини аниқлаш учун зарур бўлган бутун маълумотни бермайди. Масалан, молиявий-хўжалик фаолиятнинг натижалари тўғрисидаги ҳисобот, агар ундан бухгалтерия баланси ва пул оқимлари хақидаги ҳисобот билан биргаликда фойдаланилмаса, фаолият ҳақида тўлиқ маълумотни акс эттиrmайдi.

6-боб. Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар

18. Молиявий ҳисобот унга қўшимча маълумотларни, жумладан изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни (тушунтириш хати кўринишида) ҳам ўз ичига олади. Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар жадваллар кўринишида ҳам, бошқача шаклда ҳам тақдим этилиши мумкин.

7-боб. Бухгалтерия ҳисобининг принциплари

1-§. Ҳисоблаш

19. Даромадлар ва харожатлар бухгалтерия ҳисобида тан олинади ва

молиявий ҳисботларда уларни келиб тушиши ёки юзага келишига қараб (балки пул маблағларини олиш ёки тўлаш асосида эмас) акс эттирилади.

2-§. Иккиёқлама ёзув усули билан ҳисоб юритиш

20. Иккиёқлама ёзув усулида ҳисобни юритиш деганда ташкилотлар томонидан иккиёқлама ёзув асосида бухгалтерия операцияларини юритиш тушунилади. Иккиёқлама ёзувда битта операция бўйича битта сумманинг ўзи бухгалтерия ҳисобининг камида иккита ҳисобварагида акс эттирилади.

3-§. Узлуксизлик

21. Ташкилот узлуксиз ишлайдиган, яъни келажакда ишлашни давом эттирадиган деб ҳисобланади. Унинг ўз фаолиятини тугатиш ёки фаолиятини анча қисқартириш нияти ҳам, зарурати ҳам йўқ деб тахмин қилинади.

4-§. Хўжалик операцияларини, активларни ва пассивларни пулда баҳолаш

22. Молиявий ҳисботларда маълумотларни умумлаштириш мақсадида барча операциялар ва ҳодисалар пулда баҳоланади.

5-§. Ишончлилик

23. Маълумотда мухим хато ёки фаразлилик бўлмаса ва фойдаланувчилар унга таянишлари мумкин бўлса, ишончли ҳисобланади.

Операциялар ёки ҳодисаларнинг ишончлилиги одатда бошланғич ҳисоб хужжатлари билан тасдиқланиши керак.

6-§. Олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик)

24. Қарорлар қабул қилишда олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик) принципига риоя қилиш ноаниқлик шароитида активлар ва даромад ошириб баҳоланмаслиги, мажбуриятлар ёки харажатлар эса камайтириб баҳоланмаслиги учун зарурдир.

7-§. Мазмуннинг шаклдан устунлиги

25. Агар ҳисоб хужжатларидаги ва молиявий ҳисботдаги маълумот операциялар ва ҳодисаларнинг мазмунини тўғри акс эттирса, бу маълумот фақат унинг ҳукуқий шакли билангина эмас, балки моҳияти ва иқтисодий реаллигига мувофиқ ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши зарур.

8-§. Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги

26. Молиявий маълумот фойдали ва мазмунли бўлиши учун бир ҳисбот давридаги маълумот бошқа ҳисбот давридагиси билан қиёсланадиган бўлиши

керак. Фойдаланувчилар ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланган ҳисоб сиёсатидан, мазкур сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва шундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари керак.

9-§. Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги

27. Молиявий ҳисоботда келтириладиган маълумотлар ишончли бўлиши учун ғаразиликдан холи бўлиши керак.

10-§. Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги

28. Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги ушбу даврда мазкур ҳисобот даврида олинган даромадларга асос бўлган харажатларни акс эттиришини билдиради. Агар даромадлар ва харажатларнинг айрим турлари ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, харажатлар тақсимлашнинг бирор-бир тизимиға мувофиқ тарзда бир нечта ҳисобот даврига тақсимлаб чиқилади. Бу бир нечта йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига ҳам тааллуклидир.

11-§. Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш

30. Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш принципи уларнинг таннархи ёки харид қилиш қиймати баҳолашга асос бўлишини назарда тулади.

БХМСларда назарда тутилган айрим ҳолларда ҳақиқий баҳолаш харид қилиш қийматидан фарқ қилиши мумкин.

12-§. Тушунарлилик

30. Молиявий ҳисоботларда келтириладиган маълумотлар фойдаланувчилар учун очиқ ва тушунарли бўлиши керак.

13-§. Аҳамиятлилик

31. Молиявий маълумот фойдаланувчилар томонидан қарор қабул қилиш жараёнида уларнинг эҳтиёжларини қондириши ва уларга операцион, молиявий ва хўжалик фаолияти ҳодисаларига баҳо беришда ёрдамлашиши учун аҳамиятли бўлиши керак.

14-§. Муҳимлик

32. Агар маълумотнинг молиявий ҳисоботга киритмаслиги ёки нотўғри кўрсатилиши маълумотдан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қиласидаги иқтисодий қарорларига таъсир қилса, бундай маълумот муҳим ҳисобланади. Маълумотнинг аҳамиятига унинг моҳияти ҳам, унинг қиммати (муҳимлиги) ҳам таъсир ўтказиши мумкин.

15-§. Ҳаққоний ва беғараз тасаввур этиш

33. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларда ташкилотнинг молиявий ҳолати, операцияларнинг натижалари ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва беғараз тасаввур ҳосил қилиши керак.

16-§. Тугалланганлик

34. Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида маълумот етарлича тўла ҳажмда тақдим этилиши керак.

17-§. Изчиллик

35. Ҳисоб сиёсати бир даврдан иккинчисига изчиллик билан ўтказилиши назарда тутилади. Фойдаланувчилар ташкилотнинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар тенденцияларини аниқлаш учун унинг турли ҳисобот давларидаги молиявий ҳисоботларини қиёслаш имкониятига эга бўлишлари керак.

18-§. Ўз вақтидалик

36. Молиявий ҳисобот маълумоти асоссиз кечикирилганда, у ўзининг иқтисодий аҳамиятини йўқотади. Маълумотни ўз вақтида тақдим этиш учун битимнинг ёки бошқа ҳодисанинг барча жиҳатлари маълум бўлгунга қадар ҳисоботга зарурат пайдо бўлиши мумкин, бу эса унинг ишончлилигини бузади. Бошқа томондан, агар ҳисобот барча жиҳатлар маълум бўлгунича кечикирилса, энг ишончли маълумот ҳам кам фойда бериши мумкин, чунки фойдаланувчилар олдинроқ қарор қабул қилишга мажбур бўлади. Аҳамиятлилик ва ишончлилик ўртасида мувозанатга эришиш мақсадида иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қандай қилиб яхшироқ қондиришни ҳал этиш керак.

8-боб. Молиявий ҳисобот элементлари

37. Молиявий ҳисоботлар молиявий натижаларни ва бошқа хўжалик операцияларини молиявий ҳисоботларнинг элементлари деб аталувчи иқтисодий тавсифларига мувофиқ алоҳида моддаларга гурухлаб акс эттиради. Активлар, хусусий капитал ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида ташкилотнинг молиявий натижаларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва ҳаражатлар фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботда ташкилотнинг кўрсаткичларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементлар ҳисобланади. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот фаолият натижалари элементларини ва бухгалтерия баланси элементларидаги ўзгаришларни акс эттиради.

38. Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, резервлар, даромадлар ва ҳаражатлар молиявий ҳолатни аниқлаш билан бевосита боғлиқ элементлар ҳисобланади. Мазкур элементлар қўйидаги тарзда аниқланади:

активлар — ташкилот назорат қиласидаги, келгусида улардан даромад

олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир;

мажбуриятлар — шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга ошириш, масалан мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқалар ёхуд муайян ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир;

хусусий капитал — ташкилотнинг мажбуриятларни чегириб ташлагандан кейинги активлари;дир;

резервлар — келгусида муайян ҳаражатларга йўналтирилиши мумкин бўлган хусусий капиталнинг бир қисмидир;

даромадлар — ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир;

ҳаражатлар — ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайишидир;

молиявий натижалар — ташкилотнинг фойда ёки зарар шаклида ифодалangan фаолиятининг иқтисодий якунидир.

1-§. Активлар

39. Активлар — ташкилотнинг қиймат баҳосига эга бўлган моддий, жумладан пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ва номоддий мулкидир.

Активларда акс эттирилган келгусидаги иқтисодий фойда, ташкилотнинг пул маблағлари оқимига потенциал, бевосита ва билвосита қўшиладиган улушдир. Бу улуш ташкилот асосий фаолиятининг бир қисми сифатида юзага келиши мумкин.

40. Ташкилотнинг активлари аввалги битимлар ва бошқа ҳодисаларнинг натижасидир. Ташкилотлар одатда активларни харид қилиб ёки ишлаб чиқариб уларга эга бўладилар, бироқ бошқа битимлар ёки ҳодисалар активларни кўпайтиришга имкон беради (масалан, ташкилот ҳукуматдан олган кўчмас мулк). Келгусида кутиладиган битимлар ва бошқа воқеалар ўзидан ўзи активларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди.

41. Ташкилот активларидан мулкни бошқариш, товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш учун фойдаланади.

42. Активлардан келадиган иқтисодий наф ташкилот томонидан ҳар хил йўллар билан олиниши мумкин. Масалан, активдан:

товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда алоҳида ёки бошқа активлар билан биргаликда фойдаланилиши;

бошқа активларга алмаштирилиши;

мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилиши;

ташкилотнинг эгалари ўртасида тақсимланиши мумкин.

43. Активлар бинолар, иншоотлар ва ускуналар сингари физик шаклга эга бўлади. Бироқ, физик шакл активнинг мавжуд бўлиши учун зарур эмас. Масалан, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари, агар ташкилот келгусида улардан фойдаланишдан иқтисодий наф олишни кутаётган бўлса, актив хи-собланади.

44. Активлар (масалан, дебиторлик қарзлари ва мулк) юридик ҳуқуқлар, шу жумладан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлади. Актив мавжудлигини аниқлашда эгалик ҳуқуқи асосий ҳисобланмайди. Масалан, ижарага олинадиган мулк, агар ташкилот шу мулқдан олиниши керак бўлган фойдани назорат қилса, актив ҳисобланади.

45. Харажатларни амалга ошириш билан активларни ҳосил қилиш ўртасида узвий алокা мавжуд, аммо бу жараёнлар ҳар доим ҳам вақт бўйича тўғри келмайди. Ташкилот томонидан амалга оширилган харажатлар келгуси иқтисодий фойда изланганидан далолат беради, лекин активлар олинганини узил-кесил тасдиқламайди. Бинобарин, харажатларнинг мавжуд эмаслиги объектни актив деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди. Масалан, ташкилотга текинга берилган обьектлар активларни таърифлашга мос келади.

2-§. Мажбуриятлар

46. Мажбуриятнинг асосий хусусияти ташкилот бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдида жорий жавобгарликка эга эканлиги ҳисобланади.

Мажбуриятлар уставнинг ёки шартноманинг талаблари натижаси сифатида кучга кириши мумкин (масалан, олинган товар-моддий захиралар ва хизматлар учун тўланадиган суммалар). Мажбуриятлар одатий тадбиркорлик жараёнида яхши муносабатларни сақлаб туриш ёки холисона тарзда иш кўришда ҳам юзага келади. Масалан, агар ташкилот кафолат муддати тугаганидан сўнг ўз маҳсулотидаги камчиликларни тузатиш тўғрисида қарор қабул қилса, шу бўйича қилинган харажатлар ҳам мажбуриятлар деб ҳисобланади.

47. Жорий мажбурият билан келгусида юзага келадиган мажбурият ўртасида чегара бўлиши керак. Ташкилот раҳбарининг келгусида активларни сотиб олиш ҳақида қабул қилган қарори мажбурият пайдо бўлишига сабаб бўлмайди. Мажбурият одатда актив олинганда ёки ташкилот активни сотиб олиш тўғрисида битимга киришганда пайдо бўлади.

48. Тегишли мажбуриятни бажариш одатда бошқа тарафнинг талаблари ни қондириш учун ташкилотнинг ресурсларини сарфлашни назарда тутади. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усулларда (қонунчилик хужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари) амалга оширилади:

- ҳақ тўлаш;
- бошқа активларни бериш;
- хизматларни кўрсатиш;
- ушбу мажбуриятни бошқаси билан алмаштириш;
- мажбуриятларни акцияларга алмаштириш орқали.

Мажбурият, кредитор ўз ҳуқуқларидан бош тортганда ёки кредитор ҳуқуқларидан маҳрум бўлганда, бажарилган деб ҳисобланиши мумкин.

49. Мажбуриятлар аввалги битимлар ёки ўтган ҳодисаларнинг натижаси ҳисобланади (масалан, товар-моддий захираларни харид қилиш ва хизматларни олиш учун амалга оширилиши керак бўлган тўловлар (агар улар илгари ёки етказиб берилганда тўланмаган бўлса).

3-§. Хусусий капитал

50. Хусусий капитал устав, қўшилган, резерв капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан иборат бўлади.

Зарур ҳолларда устав, қўшилган, резерв капитали аналитик кесимда хисобга олиниши мумкин.

51. Бухгалтерия балансидаги хусусий капиталнинг миқдори активлар ва мажбуриятлар қийматини баҳолашга боғлиқdir.

4-§. Резервлар

52. Ташкилотни ва кредиторларни заарларнинг оқибатларидан қўшимча химоя қилишни таъминлаш учун резервларни ташкил этиш зарур. Резервларни шаклланиши ва миқдори ҳақидаги маълумот қарорлар қабул қилишда фойдаланувчилар учун ахамиятли хисобланади. Резервларни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида ёки ташкилотнинг уставида (солик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузмаган ҳолда) назарда тутилади.

5-§. Даромадлар

53. Ялпи даромад ташкилотнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларини ўз ичига олади. Асосий фаолиятдан даромад маҳсулот, ишлар, хизматлар, товар-моддий захиралар, бошқа активларни реализация қилиш, шунингдек мукофотлар, фоизлар ва дивиденdlар, гонорарлар ва ташкилотнинг асосий фаолиятидан келиб чиқиб рента кўринишида олиниши мумкин.

54. Ташкилот асосий бўлмаган фаолият натижасида оладиган даромадлар даромадни аниқлашга мос келадиган моддаларни ўз ичига олади ва Концептуал асоснинг алоҳида таркибий элементи деб хисобланмайди.

55. Асосий бўлмаган фаолият натижасида юзага келадиган даромадларга биржада айланадиган қимматли қофозларни қайта баҳолаш мисол бўлиши мумкин. Бундай даромадлар, агар молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда тан олинса, алоҳида кўрсатилади, чунки иқтисодий қарорларни қабул қилишда улар ҳақидаги маълумот фойдали бўлиши мумкин.

56. Соликقا тортиладиган даромад (зарар) солик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган хисбот давридаги даромад (зарар) суммасидир.

6-§. Харажатлар

57. Харажатлар мулкни бошқариш, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва заарлар билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Улар одатда пул маблағлари, моддий захиралар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар сингари активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланилиши шаклида бўлади.

58. Заарлар иқтисодий фойданинг камайганлигини билдиради ва ўз та-

биятига кўра бошқа харажатлардан фарқ қилмайди ҳамда концептуал асоснинг алоҳида элементи сифатида қаралмайди.

59. Заарлар бошқа активларни сотишда ёки табиий оғатлар натижасида юзага келиши мумкин. Бундай заарлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатиладиган бўлса, улар ҳақидаги маълумот иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам улар алоҳида кўрсатилади.

9-боб. Молиявий натижалар

60. Даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотни тақдим этиш мақсадида фаолият турларини чегаралаш йўли билан кўрсатилиши мумкин. Масалан, ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида ва фаолият жараёнидаги фавқулодда ҳолатларда юзага келадиган даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара умумий қабул қилинган амалиёт ҳисобланади. Бундай чегаралаш ташкилотнинг келгусида пул маблағларини кўпайтириш қобилиятига баҳо беришда аҳамиятли бўлган моддаларнинг манбалари асосида амалга оширилади. Моддаларни чегаралашда ташкилотнинг хусусияти ва унинг фаолияти билан ҳисоблашиш керак. Битта ташкилотнинг одатдаги фаолияти натижасида пайдо бўладиган моддалар бошқа ташкилотга нисбатан фавқулодда бўладиган моддалар бўлиши мумкин.

61. Даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара ҳамда уларнинг ҳар хил комбинациялари ҳам ташкилотнинг ишлари натижаларини кўрсатиш имкониятини беради. Бундай бўллимлар ҳар хил моддаларни ўз ичига олади. Масалан, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот солиқقا тортилгунча ва ундан кейинги молиявий-хўжалик фаолиятидан даромадни кўрсатади.

62. Ташкилот эгаларининг хусусий капиталга киритган улушлари даромад ҳисобланмайди, хусусий капиталнинг ташкилот эгалари ўртасида тақсимланиши харажат ҳисобланмайди.

Даромадлар ва харажатларнинг таърифи уларнинг асосий фарқ қилувчи жиҳатларини ёритиб беради, лекин уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олишдан олдин жавоб бериши лозим бўлган мезонларни аниқлаштирмайди.

10-боб. Молиявий ҳисоботларнинг элементларини акс эттириш

63. Молиявий ҳисоботларнинг элементларини акс эттириш (бундан буён матнда акс эттириш деб юритилади) — бухгалтерия баланси ёки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга элементлар таърифига жавоб берувчи ва уларда акс эттирилиши лозим бўлган моддаларни (бундан буён матнда модда деб юритилади) киритиш жараёнидир.

Акс эттириш жараёни модданинг баёнини, унинг пулдаги ифодасини, шунингдек ушбу модданинг бухгалтерия балансига ёки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга киритилишини ўз ичига олади.

64. Модданинг мезонга мувофиқлигини аниқлаш ва акс эттириш учун уни таснифлашда аҳамиятлилик ва қиёсийлик принципларига эътибор қараш керак.

Элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик алоҳида элемент учун таъриф ва акс эттириш мезонларига жавоб берадиган моддани ифодалайди. Масалан, активнинг акс эттирилиши ўз-ўзидан даромад ёки мажбуриятнинг бошқа элементини акс эттиришни талаб қилади.

1-§. Активни акс эттириш

65. Активдан фойдаланиш натижасида ташкилотнинг келгусида иқтисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлганда, ушбу актив бухгалтерия балансида акс эттирилади ва у аниқ ифодаланадиган чиқимлар ёки қийматни ўз ичига олади.

2-§. Мажбуриятларни акс эттириш

66. Мажбуриятлар ўзида иқтисодий нафни ифодаловчи ресурслар чиқими эҳтимоли мавжуд бўлганда бухгалтерия балансида тан олинади, шунингдек улар мажбуриятларни қабул қилиш натижаси хисобланади.

3-§. Даромадни акс эттириш

67. Активларнинг кўпайиши ва мажбуриятларнинг камайиши билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафнинг кўпайиши юзага келганда, даромад молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бу эса даромадни акс эттириш активларнинг кўпайиши ва мажбуриятларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англатади (масалан, товарлар ва хизматларни сотишда юзага келадиган активлардаги соф кўпайиши ёки кредитор қарздан воз кечиши натижасида мажбуриятларнинг камайиши).

4-§. Харажатларни акс эттириш

68. Харажат активларнинг камайиши ва мажбуриятларнинг кўпайиши билан боғлиқ келгуси иқтисодий нафнинг камайиши юзага келганда, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ва бу ишончли тарзда аниқланиши мумкин. Бу эса харажатларни акс эттириш мажбуриятлардаги кўпайиш ёки активларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англатади.

11-боб. Молиявий ҳисоботлардаги элементларни баҳолаш

69. Молиявий ҳисоботлардаги элементларни баҳолаш (бундан буён матнда баҳолаш деб юритилади) — активлар ва мажбуриятлар тан олинадиган ва молиявий ҳисоботларда қайд этиладиган пул қийматини аниқлаш усулидир.

70. Молиявий ҳисоботларда баҳолашнинг қўйидаги усулларидан фойдаланилади:

1) Бошланғич қиймат. Активлар харид қилиш вақтида эришилган томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланган жорий қиймати бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар мажбуриятни бажаргунга қадар тўланадиган пул маблағлари суммаси бўйича мажбуриятларга алмашиб олинган маблағлар суммасида акс эттирилади;

2) Жорий қиймат. Активлар шу ёки шунга ўхшаш актив эндиғина харид қилинганда тўланиши керак бўлган пул маблағлари суммаси бўйича ҳисоботда акс эттирилади. Мажбуриятлар мажбуриятни тўлаш учун талаб этиладиган пул маблағларининг дисконтланмаган суммасида акс эттирилади;

3) Сотиш қиймати. Активлар сотишдан олиниши мумкин бўлган пул маблағлари суммаси бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар уларни тўлаш қиймати бўйича акс эттирилади. Бундай қиймат эса мажбуриятларни тўлаш учун талаб этиладиган пул маблағларининг дисконтланмаган суммасидир;

4) Дисконтланган қиймат. Активлар ташкилотнинг нормал фаолияти давомида активларни кўпайтириши лозим бўлган келгуси пул маблағлари тушумининг дисконтланган жорий қиймати бўйича акс эттирилади.

Мажбуриятлар келгусида ўтказиладиган пул маблағларининг дисконтланган қийматидан иборат бўлган, ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида мажбуриятларни тўлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган жорий қиймат бўйича акс эттирилади;

5) Баланс қиймати. Ҳисбот санасида бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятларни акс эттириш қийматидир.

71. Ташкилотлар молиявий ҳисоботларни тайёрлашда бошланғич қийматни баҳолаш учун асос қилиб оладилар. Бошланғич қиймат баҳолашнинг бошқа асосий тушунчалари билан биргаликда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
14 июнданги 131-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-хуқуқий хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июляда 17-07/86-сон билан тасдиқланган Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос (рўйхат рақами 475, 1998 йил 14 август).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 сентябрдаги 65-сон «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосга ўзgartиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 475-1, 2016 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 36-сон, 421-б.).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 8-iyuldaggi 13-mh-son “O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlarida ta'limning kredit-modul tizimida o'quvchilar bilimini nazorat qilish tartibi va baholash mezonlari to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida”gi buyrug'i.

2024-yil 8-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3351-1.

2. O'zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirining 2024-yil 15-maydaggi 144-son “O'zbekiston Respublikasi aholi punktlari va obyektlarning namunaviy xavfsizlik pasportlarini tuzish va tasdiqlash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'i.

2024-yil 8-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3526.

3. O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2024-yil 27-iyundagi 221-son “Vazirliklar, idoralar va mahalliy davlat hokimiyati organlariga tegishli bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini ularning roziligidisiz ijaraga berish yoki sotish uchun savdoga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug'i.

2024-yil 9-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3403-1.

4. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 14-iyundagi 17/5-son “O'zbekiston Respublikasi banklarida buxgalteriya hisobini yuritish va buxgalteriya ishlarini tashkil qilish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida”gi qarori.

2024-yil 10-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 1834-11.

5. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 10-iyuldaggi 14-mh-son “Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylar o'quvchilarining bilimini nazorat qilish va baholash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'i.

2024-yil 10-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3527.

6. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 10-iyuldaggi 15-mh-son “Toshkent davlat yuridik universiteti huzuridagi akademik litseylarda yakuniy davlat attestatsiyasini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug'i.

2024-yil 10-iyulda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3528.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2024 йил 10 июлдаги 16-мҳ-сон “Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилиши ҳолатлари юзасидан хulosса бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи.

2024 йил 11 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3529.

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 25 июнданги 186-сон “Йўл харакати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 58-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги буйруфи.

2024 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2240-8.

9. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июнданги 131-сон “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асосни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи.

2024 йил 12 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3530.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июля 17-07/86-сон билан тасдиқланган Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос (рўйхат рақами 475, 1998 йил 14 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 475-1, 2016 йил 9 сентябрь).

2024 йил 12 июлда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.